



ИСКАНДАР ҚАЛАНДАРОВ

# ИЗМА-ИЗ

(Кекса милиция ходимининг ҳикоялари)

ТОШКЕНТ  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЯТИ  
1980

ББК 84Ўз  
Қ 18

320520



70303—5 37—80 4702057020  
КМ352(04)—80

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1980 й.

### **Автордан:**

Мамлакатимизда миллион-миллион кишилар жамиятининг бахту саодати учун меҳр-муҳаббат билан меҳнат қилмоқда. Бизда меҳнат шон-шарафга айланиб кетган. Социалистик тузумимиз вужудга келтирган хулқ-ахлоқ, одоб ва тартиботни мунтазам сақлаш Совет халқининг руҳи гизоси бўлиб қолмоқда. Советлар юртида жиноят содир қилишнинг ҳеч қандай социал базаси йўқдир. Лекин капитализмдан мерос бўлиб қолмиш эскилик сарқитлари ҳали батамом битиб кетганича йўқ. Афсуски, турмушнинг яхши мактабини ўтмаган баъзи ёшлар жисмоний меҳнатга енгилтаклик билан қараб, уларда бошқалар ҳисобига яшаш кайфияти ҳали ҳам онда-сонда бўлса-да учраб туради.

Мен бир неча йиллар Тошкент шаҳрининг милиция органларида ишладим. Қўп оператив жараёнларда бевосита иштирок этдим. Афғор омманинг диққатини жиноятчиларга қарши курашга тортиш ниятида баъзи очилган жиноятларнинг тафсиллини маҳаллий матбуотда ёритиб туришга муваффақ бўлдим. Шу йўсин ҳар қандай жиноятнинг очилмай қолмаслиги шарт эканлигини ва жиноятчи қилмишига яраша жазо олиш мум

қаррарлигини уқтиришга ҳаракат қилдим. Жиноятларнинг очилишида милиция оператив ходимларининг кўрсатган жонбозликлари таҳсинларга сазовордир. Уларнинг бу борадаги хатти-ҳаракатларини муболағасиз тасвирладим, содир бўлган воқеаларни мумкин қадар асли ҳолича ёритишга уриндим.

Гарчи ушбу китобимдаги воқеаларни айнан ҳолича тасвирлаган бўлсам ҳам, лекин жиноят содир қилинишининг сабабчилари бўлган кимсаларнинг номларини ўзгартирдим, албатта. Бир вақтлар қораланган номларини яна ёзиб, эски жароҳатларини яна бир бор эслатиб ўтиришни эп кўрмадим. Чунки у кишиларнинг кўпчилиги жазо муддатларини ўтаб, чинакам меҳнатга қайтишган, ҳамма қатори бахтли ҳаёт кечирмоқдалар.

Мен уларга чин қалбимдан муваффақият тилайман.

## ЮЗ ЙИГИРМА ТИЛЛА СОАТ

Одатда «Главголодностепстрой» ОРСи вакиллари ишчиларнинг эҳтиёжлари учун маданий моллар савдоси базасидан зарурий молларни: радиоприёмник ва музика асбоблари, ҳар хил сиёсий ва бадий адабиёт, қўл ва девор соатлари, ёзув-чизув асбоблари олар эдилар. Улар олган молларнинг нархи ўн беш сўмдан ошмасди. Ҳар гал мол олгани келган вакилларга база ходимлари янги келган ноёб моллардан кўпроқ олишни тавсия қилардилар:

— Янги чиққан ажойиб фотоаппаратлар бор.

— Турли тилла соатлардан олиб кетинг...  
Лекин бу хилдаги моллар олинмас эди.

Саҳроларни обод қилиш учун янги келган ёш ишчилар эндигина ишга тушиб, ўз хўжаликларини бутламоқда эдилар. Улар ўз хўжаликларини қуришни тилла соат ва фотоаппаратлар олишдан эмас, биринчи навбатда, яшаш учун зарур бўлган молларни сотиб олишдан бошладилар. Буларнинг талабларини «Главголодностепстрой» ОРСининг савдо ходимлари, шубҳасиз, яхши билишар, шунинг учун ҳам тавсия қилинган тилла соатлару фотоаппаратларни олишдан воз кечардилар.

14 март куни «Главголодностепстрой» ОРСи бошлиғининг ўринбосари Шишов Тошкентдаги маданий моллар савдоси базасига келиб, ўн минг сўмлик мол харид қилди. Бу сафар ҳам база ходимлари аввалгидай тилла соатлар, фотоаппаратлар олишни тавсия қилдилар. Бироқ Шишов бу гал ҳам «бизда бундай моллар кетмайди», деб рад жавоб қилди. Орадан икки кун ўтгач, шу маданий моллар савдоси базасига ўрта бўйли, қорачадан келган, шляпали, галстук таққан, коверкот костюмли бир кимса кириб келди. У базанинг ҳар бир ходими билан гўё эски танишдай қўлини кўкрагига қўйиб қуюқ сўрашди, «Мен Султоновман», деб таништирди у ўзини.

Ниҳоят, у база директори Усмоновага, унинг ўринбосари Терентьевга учраши ва ўзининг «Главголодностепстрой» ОРСи бошлиғининг муовини қилиб тайинланганлигини билдирди, Мирзачўл ва Янгиер шаҳарларида маданий моллар камлиги ҳақида, башарти моллар кўпайса у ерда савдони кенгайтириш имкониятлари борлиги тўғрисида оғиз кўпиртириб сўзлади: у ерда таъминот ишида ишловчи ходимларни қўрқоқ, ишёқмас, деб шикоят ҳам қилиб қўйди. Маданий моллар савдоси базаси ходимлари Султоновни, феълли кенг савдо ходими экан, деб тушундилар. Уни базанинг ҳамма бўлимларига бошлаб кириб, ранг-баранг молларни кўрсатдилар. Султонов юз минг сўмлик мол танлади, эртага машина ва ишонч қоғози билан келиб, олиб кетишини таъкидлаб чиқиб кетди. База ходимлари ўзларини эркин нафас олгандай ҳис қилдилар. «Жуда яхши бўлди-да, эртага молларни Мирзачўлга жўнатиб, омборни енгиллашти-

риб оладиган бўлди», деб мамнун бўлдилар.

Султонов эртасига келмади-ю, индинига бир одам билан базага кириб келди. У яна ҳамма билан бирма-бир қуюқроқ сўрашди. У ёнидаги одамни: «Абдуллаев, янги экспедиторимиз,— деб таништирди.— Бу одам менсиз келсаям молларни бераверинглар, ишончли кишимиз». Мол олиш учун ишонч қоғози тариқасида «Главголдностепстрой» ОРСи номидан ясалган бир неча ҳужжатни кўрсатди. У қоғозлардан бири озуқа моллари олиш учун ясалган ишонч қоғози эди. Ишонч қоғозини кўрганлардан фақат база ходимаси Древянкина: «Бу ишонч қоғози билан мол бериб бўладими?»— деди базанинг бош товароведи Залкинга. Залкин ишонч қоғозини база юристи Менин олдига олиб кирди. Бу пайт Султонов, Абдуллаевларнинг ранглари ўчиб, типирчилай бошлаган бўлсалар ҳам, лекин сир бой бермай Залкиннинг орқасидан бемалол юристининг олдига кирдилар.

— Абдуллаевнинг ишонч қоғози қонунийми?— деди Залкин ва қўлидаги ишонч қоғозни юристга узатди.

Юрист Менин ишонч қоғозини қўлига олиб, унга бепарво назар солди, ёнида турган Султонов ва Абдуллаевга тикилиб бир қаради-да:

— Бу ишонч қоғозининг қонуний эмаслигига қандай шубҳа бўлиши мумкин, имзо ва печати бор-ку,— деб қоғозга қўл қўйиб ҳам берди.

Султонов билан Абдуллаев ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, базанинг барча шохобчаларига кириб, 367 минг сўмлик ноёб мол; яъни 120 та тилла, 500 тача оддий соат, фотоаппа-



ратлар ва радиоприёмниклар танладилар. Улар молларни юк машинага ортиб чиқиб кетишар экан, базанинг директор ўринбосари Терентьев:

— Баракалла, шоввозлар, бозорларингни берсин,— деб Султоновнинг кифтига қоқиб қўйди.

## «А Б И»

Уша кунни маданий моллар савдоси базаси жойлашган тор кўчада пак-пакана, бир-бирига тутшиб кетган қуюқ қора қошли, жиккак, юзларини соқол-мўйлов босган эллик ёшлар чамасидаги бир одам оёғи куйган товукдек типирчилаб, кўчанинг у ёғидан-бу ёғига бориб келар, унинг олдида дам-бадам сариқ рангли «Победа» ғизиллаб келар ва шофёр пакана кишига бир нималар деб қайтиб кетар эди.

Султонов базадан чиққач, ёнига пакана киши югургилаб келиб, ниманидир пичирлаб, тезда орқасига қайтди-ю, Лугин кўчасига қараб югургилаб кетди. Орадан бир неча минут ўтгач, ҳалиги пакана киши юк такси машинасини олиб келди, база дарвозасидан бошини суқиб Султоновни имлаб чақирди.

— Мана, машина тайёр!

— Аби!— деди Султонов,— машина ичкарига кирсин, сиз тура туринг.

— Хўп,— деди пакана киши.

Султонов билан Абдуллаев молларни машинага босиб, база қоровулига пропускани топшириб, дарвозадан чиқдилар. Султонов шофёр ёнига, Абдуллаев эса машинанинг устига чиқди. Кўчага чиққач, Султонов «Аби»га

мағрурона кўз қисиб қўйди. Машина Лугина кўчаси орқали вокзалга йўл олди. Шу заҳоти «Аби» ёнига ҳалиги сариқ рангли «Победа» гириллаб келди. «Аби» шофёрнинг ёнига ўтирди. Машина тор кўчадан чиқиб, Ўрда томонга, яъни юк ортган такси машинаси кетган томонга қарама-қарши бурилиб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Сўнг Пролетар кўчасига етганда «Победа» Султонов билан Абдуллаев тушган юкли такси машинадан ўзиб, олдинга ўтиб борар экан, шофёр сигнал берди. «Аби» тушган «Победа» вокзалнинг моллар сақланадиган биноси олдида қайрилиб, вокзал майдонига қараб кетди. Султонов билан Абдуллаев тушган юкли машина кетма-кет келиб, ана шу бино ёнида тўхтади.

Султонов машинадан тушиб, вокзал майдони томон пиёда кетди. Абдуллаев бўлса, машинадан тушиб темир йўл милиция навбатчи хонаси эшиги олдига келиб, қўлини қовуштириб тураверди. Сиртдан қараганда бу кишини ҳеч ким юк ортилган машинага тааллуқли одам, деб ўйламас эди. Султоновнинг индамай кетиши, Абдуллаевнинг бегона кишидай четда туриши юк ортилган такси машина шофёрини таажжублантирди.

— Энди нима қилдик?— деб сўради у Абдуллаевдан.

— Ҳозир шу ерга туширамиз.

— Бу моллар ўзи қаерга олиб борилади?— яна сўради шофёр.

— Мирзачўлга,— деди Абдуллаев,— билсангиз, ҳозир ҳамма яхши моллар Мирзачўлга юборилади.

Султонов икки киши билан келди ва уларга имо қилиб, юкни туширишга буюрди. Сул-

тонов келтирган икки кишининг бири гунг, соқов экан, иккинчиси эса шапкўр бўлиб, вокзалда юк ташиб юришар экан.

Машинадаги юклар моллар сақланадиган бино ёнига тушириб бўлингач, Султонов шофёрдан:

— Сизга қанча тўласак рози бўласиз?— деб сўради.

— Ҳимматингиз...— деди шофёр аста.

— Бу давлат машинаси, давлат нархидаги ҳақингизни айтаверинг,— деди Султонов жиддий.— Биз ҳам давлат молларини олиб кетаётган оддий хизматчилармиз.

— 21 сўм бўлади,— деди шофёр гапни қисқа қилиб.

— Мана, икки сўм қайтимини беринг,— деди Султонов ёнидан 23 сўм чиқариб шофёрга узатаркан. Шофёр икки сўм қайтиб берди ва Султоновга хўмрайиб қараб, вокзалдан жўнаб кетди.

Юкни туширган икки ҳаммол уни бир оз пойлаб ўтиришгач, Абдуллаев бошқа бир юк машинаси олиб келди. Султонов ҳаммолларга имо қилиб, молларни шу машинага ортишни буюрди. Моллар ортилди, ҳаммолларнинг ҳақи ҳам зиқналик билан тўланди. Султонов билан Абдуллаев машинага ўтириб, яна шаҳарга жўнадилар. Машина Пролетар кўчасининг кўпригига етганда унинг ёнидан «Аби» тушган «Победа» ўтиб кетди.

## **БАЗАДА ҚИЙ-ЧУВ**

СССР Савдо министрлигининг Қашқар маҳалласидаги маданий моллар базасида беса-

ранжомлик бошланди. Базанинг биноси тор, моллар устма-уст қалашиб қўйилган бўлиб, ходимларнинг бемалол юришларига қийинчилик туғдирар эди. Қарийб 400 минг сўмлик мол бериб юборилганидан кейин база ҳувиллаб қолгандек бўлди. Ҳамма база ходимларининг оғзи қулоғида. Илгари йигирма минг сўмгача мол олувчи ташкилотнинг бирданига шунча кўп мол олиши, бунинг устига анчадан бери база омборларида касод бўлиб қолган молларни: тилла соатлару фотоаппаратлар бўлак шаҳар савдо шохобчаларига бериб юборилганлиги база ходимларини анча тиндирган эди. Афсуски, моллар бериб юборилгандан икки кун ўтгач, базага «Главголодно-степстрой» ОРСи бошлиғининг муовини Шишов кириб келди ва одатдагича ишонч қоғозини кўрсатиб, беш минг сўмликина мол олажагини айтди. Шишовни кўрган база директори муовини Терентьевнинг капалаги учиб, уни дарҳол ўз ёнига чақирди:

— Сиз ҳали ишляяпсизми?— сўради у.

— Ҳа, нима эди?— деди Шишов.

— Сизнинг ўрнингизга бошқа одам тайинланган экан-ку,— деди ва бирдан бухгалтерияга бақирди:— Ўтган куни Мирзачўлга берилган молларнинг ҳужжатлари келтирилсин,— деди ҳаяжонланиб. Шишов ҳали ҳеч нарса билмас, шунинг учун ҳам ҳайрон бўлиб Терентьевга бақрайиб қараб турар эди.

— Ўзи нима гап?— сўради у.

— Бизни худо урди шекилли,— деди юзндаги терларни арта-арта Терентьев.

Шу орада базанинг атторлик моллари бўлимининг мудирин Мираҳмедов кириб келди ва Терентьевга қараб:

— Бизларни фирибгарлар қўлга тушириб кетганга ўхшайди,— деди ранги ўчиб. — Мен ўртоқ Шишовнинг шофёрни кўрдим. Шофёр, бизга ҳеч ким ҳеч қанақа мол олиб келгани йўқ, деяпти.

У дағ-дағ титрарди.

— Уша қуни ОРСпинг ўз машинаси келганимиди?— деб сўради Терентьев.

— Йўқ. Абдуллаев деган бир одам Султонов деган билан молларни юк такси машинасида олиб кетишди,— деди Мираҳмедов ва устунга суяниб ўтириб қолди.— Ҳеч биримизнинг хаёлимизга келмабди-я!

— Бу ташкилотнинг бизга доим қатнаб турадиган ўз юк машинаси бўла туриб, нега юк такси машинаси келди, деб шубҳа ҳам қилмадингларми?— деди тутатиб Терентьев.

— Бари бир машинанинг номери маълумку, қаёққа кетарди дейсиз,— деди Терентьев ва Мираҳмедовга қараб:

— Эшик тагидаги қоровулдан пропускани олиб келинг, унда машинанинг номери ёзилган бўлиши керак,— деди. У энди бир оз ҳовридан тушгандек эди.

Мираҳмедов чиқиб кетди, шу орада базанинг бош бухгалтери Волков бир даста қоғоз кўтариб кирди. Терентьев сапчиб қоғозларни олди ва бирма-бир титиб қарагач, Шишовга мурожаат қилиб, қарийб тўрт юз минг сўмлик асил моллар бериб юборилган ҳужжатларни кўрсатди ва воқеани Султоновнинг дастлабки келган пайтидан то моллар машинага ортиб берилган вақтгача батафсил сўзлаб берди.

— Сизларни фирибгарлар боплаб кетибди,— деди салмоқлаб Шишов.— Ахир биз ҳеч вақт йигирма минг сўмдан ортиқ мол олмас

эдик-ку, бизнинг савдо планимиз сизларга маълум эди-ку.

— Тўғри,— деб тасдиқлади бухгалтер Волков.

— Энди ақлинг кирдими, ўшанда қаерда эдинг?— деб жеркди Усмонованинг жиғибийрони чиқиб.

— Ҳар сафар келганимда тилла соатлардан олишни илтимос қилар эдинглар, мен бу моллар ҳали бизда унчалик кетмайди, дер эдим, наҳотки бирданига 120 та тилла соат берсанглар,— деди ғазабига чидолмаган Шишов.

— Фирибгарларнинг фамилияси борми?

— Фақат фамилияси бор. Султонов, Абдуллаев.

— Ишонч қоғозида ёзилганми?

— Султоновда ОРС бошлиғининг муовини деган гувоҳнома ва бир қанча ишонч қоғозлари бор экан. Уни олиб кўриб, яна қўлига қайтиб берилган. Абдуллаев кўрсатган ишонч қоғози олиб қолинган,— деди Волков.

Бу воқеа бир зумда база ходимлари қулоғига етиб, ҳамма ҳаяжонга тушиб қолишди. Улар бир-бирларини анқовликда айблардилар. Товаровед Залкин бўлса юрист Менин билан баҳслашиб: «Нега ишонч қоғозини ҳақиқий деб тасдиқладингиз?»—деб уни Терентьев билан Усмонованинг олдига судраб кирди.

— Мен ишонч қоғозига унчалик ишонмаган эдим,— деди товаровед,— у озиқ-овқат моллари олиш учун бериладиган ишонч қоғози бланкасида эди.

— Ишонч қоғози бўлгандан кейин нима фарқи бор,— деди юрист Менин бепарво.

— Ун олиш билан тилла соат олишнинг

нега фарқи бўлмасин?— деди Залкин товушини баланд қилиб.

Терентьев қоғозларни титар экан, бирдан:

— Ия, паспорти ёзилиб қолибди-ку, мана номерлари,— деб гўё бир нарса топиб олгандек қичқариб юборди.

— Қайси бирининг паспорти?

— Абдуллаевники,— деди Терентьев.

— Паспорти ҳам қалбаки эмасмикан?— деди кимдир.

— Йўқ, ўзининг сурати бор эди. Ўз кўзим билан кўрувдим,— деди юрист Менин.

Мираҳмедов югуриб келди.

— Қоровул машинанинг номерини ёзиб қолган экан. Мана, пропуска, машинанинг номери «ЕХ— 52— 22».

— Энди чигални ёзайлик,— деди Терентьев ва бирпас нафасини ростлаб олгач, 02 га қўнғироқ қилди.

— Шаҳар милициясининг масъул навбатчиси эшитади?

— Тезда бизнинг базага келсангиз...

— Нима бўлди?— сўради телефонда.

— ...қарийб ярим миллион сўмлик молни ўмариб кетишибди.

— Қачон?

— Икки кун бўлди, тезда етиб келинг,— зарда аралаш бақирди Терентьев.

Орадан икки дақиқа ўтгач, базага милиция ходимлари: жиноят қидирув бўлим вакиллари, ОБХСС ходимлари, терговчилар, навбатчи прокурор, экспертлар ёрдамчи итлари билан кириб келишди...

Маданий моллар савдоси базаси ходимлари милиция ходимларига бўлган воқеани сўзлаб бердилар. Дарҳол юк ортилган такси машинасининг номерини бериб, тездан уни топиш зарурлигини айтдилар. Шаҳар милиция бошқармаси қидирув бўлимининг бошлиғи муовини ҳамма ҳужжатларни бирма-бир кўриб чиқди. Керакли далилларни блокнотига ёзиб олди.

— Мана бу Абдуллаевнинг паспорт номери,— деб мол топишрган накладнойни кўрсатди бухгалтер.

— Паспортдаги сурат Абдуллаевнинг ўзи,— деб тасдиқлади юрист Менин ўзи йўл қўйган хатони оқлаш учун.

Милиция майори қоғозларни тита-тита алланималарни ўйлаб хаёл суриб кетди. Унинг бу совуққонлиги Усмонова, Залкин билан Терентьевларни ажаблантирди.

— Машинани топиш осон, номери бор-ку,— дейишди улар.

— Фирибгарлар сизлар ўйлаганча анқов бўлмаса керак,— деди салмоқлаб Мирзаев.

— Ахир паспорт номери, ҳатто серияси ҳам ёзиб қолинган-ку.

— Паспорт ҳам қалбаки бўлиши мумкин-ку? Қарийб тўрт юз минг сўмлик молни олиб кетади-ю, бу ёғини пухта қилмайдими?— деди жиддий тусда Мирзаев.

— Биз қўлга тушибмиз, ўлгидек анқов эканмиз,— деди база ходимларидан бири.

— Бу анқовликкина эмас, жиноят ҳам!— деб навбатчи прокурор бўлган воқеа ҳақида протокол ёза бошлади.



Мирзаев телефонда шаҳар автомобиль инспекцияси бошлиғини чақирди.

— ЕХ — 52 — 22 номерни ёзиб олинг. 19 март кундузи шу машинада ишлаган шофёрни топиб, бошқармага олдириб келинг.

— Хўп бўлади,— Мирзаев жавобни эшитгач, телефон трубкасини жойига қўйди. У яна баъзи нарсаларни аниқлаб олгач, милиция ходимлари билан чиқиб кетишди. Қидирувчи итлар ҳам бирор иш бермади. Орадан икки кун ўтиб, жиноятчиларнинг излари босилиб кетган эди.

Навбатчи наряд милиция бошқармасига етиб келиб ҳодисани милиция бошлиғига доклад қилинди. Шу орада автомобиль инспекцияси бошлиғи ўртоқ Ильичев телефонда ЕХ — 52 — 22 номерли машина 2-юк ташувчи машиналар автобазасига қарашли бўлиб, бу машинани 19 март куни Бабкин деган шофёр ҳайдаганлигини, Бабкин ҳозир унинг олдида ўтирганлигини хабар қилди.

— Уни менинг олдимга юборинг.

— Хўп бўлади.

Шаҳар милиция бошлиғи кабинетига қидирув ва тергов бўлимларининг бошлиқлари, малакали милиция ходимлари тўпланишди. Улар бу катта жиноятни очиш тадбирлари ва жиноятчилар кимлар эканлигини аниқлаш тўғрисидаги жумбоқни еча бошладилар.

Яқин орада Тошкентда бундай катта ва чигал жиноят содир бўлмаган эди. Жиноятнинг оғирлиги— давлатнинг тўрт юз минг сўмлик молини қалбаки ҳужжатлар билан олиб кетишдагина эмас, балки жиноятчиларнинг бундай катта жиноятни қилиш учун оддий гувоҳнома, ишонч қогозларидан тортиб,

то паспортгача қалбаки қилиб, куппа-кундуз кунни шаҳар марказида бемалол ўғирликка журъат қилганликларида эди. Султонов, Абдуллаев, бу жиноятчиларнинг сохта фамилиялари бўлса керак. Базада уларнинг исмларини ҳеч ким ёзиб олмаган, ҳатто эслаб ҳам қолишмаган. Султонов ва Абдуллаев фамилияси билан келган кимсалар молларни ортаётганда база дарвозаси ёнида ивирсиб юрган «Аби» лақабли пакана кишини ва уни олиб юрган «Победа» машинани ҳеч ким кўрмаган. Ҳар ҳолда молни тезда базадан олиб кетган шофёрни сўроқ қилиш зарур, шу билан бирга паспортнинг серияси ва номери орқали унинг кимга берилганлигини аниқлаш, бу жиноятнинг Мирзачўл билан алоқаси борми-йўқми, деган муаммони ҳал қилиш, ниҳоят, Тошкент ва Тошкент области бўйича қанча Султонову қанча Абдуллаев прописка қилинганлигини, уларнинг турар жойларини ва улар базада ёзиб қолинган паспортнинг эгасими ёки йўқми, билиш лозим эди. Бундан ташқари, қидирув бўлимининг ишга тааллуқли махсус усуллари ишга солиш мўлжалланди ва ишнинг моҳиятига кўра, бу жиноятни очиш учун милиция майори Мирзаев бошлиқ Тошкент милициясининг қидирув ва тергов бўлимларининг тажрибали ходимларидан иборат махсус группа тузилди. Уларни вақтинча бошқа ишлардан озод қилиб, жиноятни бир ҳафта муҳлатда очиш вазифаси юклатилди.

Малакали милиция ходимлари Петросян билан Леницкий ОРС идораси хизматчиларини «чертиб» кўриш ва бу жиноятчиларнинг таниш-билишларини аниқлаш учун Мирзачўлга жўнаб кетдилар. Милиция терговчилари

Абдуганиев билан Григорьев маданий моллар базасидан ҳужжатларни олиб, база ходимларини тергов қила бошладилар. Милиция майори Мирзаев барча материалларни таҳлил қила бошлади. Милиция бошлиғи жиноятчиларни тезда топиб, хатти-ҳаракатларига чек қўйилмаса, давлатга, халққа кўп зарар етказажакларини таъкидлаб, керакли барча чораларни кўришга, барча имкониятларни сафарбар қилишга уринди.

\* \* \*

Мирзаев бошлиқ ёнидан ўз кабинетга қайтиб келганида, кабинет ёпида автомобиль инспекциясининг бошлиғи ўртоқ Ильичев, юк такси машинаси шофёри Бабкин ўтирар эдилар.

Улар Мирзаев кетидан кабинетга кириб келдилар. Мирзаев телефон орқали шаҳар милициясининг паспорт ишлари бошлиғи Шоикромовга, база ходимлари томонидан ёзиб олинган УШ—УШ серияли, 415 595 номерли паспорт кимга берилганини ва Тошкент шаҳрида, областида қанча Султонову Абдуллаев фамилияли кишилар борлигини, мазкур номерли паспортнинг уларга алоқаси бор-йўқлигини аниқлашни топширди.

Милиция ходимлари, шофёр Бабкиннинг бу жиноятчилар билан алоқаси бўлиши керак, деган гумон билан уни сўроқ қилишни сабрсизланиб кутишар, у ишнинг учини ечиб берар, деган умидлари ҳам йўқ эмас эди. Бабкин бўлса бутунилай бепарво, саволларга ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта-шартта жавоб берар,

унинг жавоблари тўғрилиги ҳақида шубҳаланиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

— Сиз 19 мартда Қашқар маҳалласидаги Маданий моллар савдоси базасидан юк органмидингиз?

— Ҳа, ўша кунни мени Олой бозори ёнидан паканагина бир киши ёллаб олиб келиб, базадан Султонов фамилияли кимсани чақириб, мени унга рўпара қилди. Султонов эса Абдуллаев деган одамни чақирди-да, иккала-си молларни машинага ортиди.

— Уларни илгари ҳам кўрганмидингиз?

— Йўқ, кўрмаганман.

— Юкни қаерга олиб бориб туширдингиз?

— Улар юкни Мирзачўлга поездда олиб кетмоқчи эканлар, вокзалдаги моллар сақла-надиган бино ёнига туширишди.

— Қайси бино?

— Вокзалда чолларни сақлайдиган бино бор-ку, темир йўл милиция навбатчиси тура-диган бинонинг қаршисидаги...— деди шофёр.

— Иннайкейин-чи?

— Иннайкейин кира ҳақимни тўлашди. Сўнг мен ўз йўлимга кетавердим.

— Бирор нарса тақдим қилмадиларми?

— Зиқна одамлар экан, юкларини туши-ришга ёрдам берсам-да, 23 сўм бериб, 2 сўм қайтимини ҳам олдилар,— деди у.

Кабинетдагилар бир-бирларига қарашди. Бу кичик деталь жиноятчилар нақадар мурак-каб фирибгар эканликларини билдирарди.

— Юкларни Султоновнинг ўзи сиз билан туширдими?

— Султонов иккита юк ташувчи кишини олиб келди, кейин бир одам ҳам қарашди,— деди шофёр.

— Ҳаммолларни танийсизми?

— Кўрсам танийман,— бир оз ўйланиб туриб қўшиб қўйди: — Назаримда, бири соқов, иккинчисининг кўзи ғилай эди,— деди.

Милиция майори Мирзаев шофёр Бабкинни олиб зудлик билан вокзалга жўнадилар. Вокзалдан соқов ва ғилай ҳаммолни қидира бошладилар. Иш ўнгидан келиб, улар дарров топилди. Улар билан суҳбат жуда қийин бўлишига қарамай, молларни юк таксисидан туширганликлари ва орадан бир неча минут ўтгандан кейин бошқа бир юк машинага қайта ортиб бериб, ўз ҳақларини олганликлари аниқланди. Кейин машинага юк ортган шофёрнинг исм-фамилиясини билиб бўлмади, фақат шофёрнинг оёғида пиймаси бор эканлиги аниқланди. Энди пийма кийган шофёр қидирила бошланди.

Март ойида Тошкентда ҳаво анча иссиқ. Бу пайтда Тошкент шофёрлари пийма киймайдилар, ҳатто қишда ҳам пийма кийган тошкентлик шофёрни учратиш қийин. Демак, шофёр узоқ Шимол районларидан келган бўлса керак...

Қаердан бўлмасин пийма кийган шофёрни топиш лозим, бўлмаса жиноятчиларнинг излари йўқолади, иш янада чигаллашади. Шунинг учун Тошкент шаҳар автомобиль инспекциясининг ўнлаб инспекторлари, қидирув бўлими ходимлари Тошкент областининг қарийб барча районлари ва Ленинобод шаҳридаги автомобили бор ташкилотларга пийма кийиб Тошкентда юк машина ҳайдовчи шофёрни қидириш учун чиқиб кетдилар. Орадан беш кунча ўтгач, ҳаммалари натижасиз қайтиб келдилар. Кейин шаҳардаги автобазалар-

да умумий йиғилиш чақириб, 19 март куни вокзалдан маданий моллар ортган юк машинани ва унинг ҳайдовчисини топишга ёрдамлашишни илтимос қилдилар. Машинанинг на номери ва на маркаси маълум эмас, фақат ўша куни шофёр пийма кийиб машина ҳайдагани маълум эди.

Кутилмаганда иш ўнгидан келди. Орадан уч кунча ўтгач, пийма кийиб машина ҳайдаган шофёрнинг ўзи — Глинский деган одам милиция бошқармасига кириб келди.

— Оёғим оғриб, бир неча кун пийма кийиб машина ҳайдаган эдим,— деди у ва калта йўталиб,— тўрт кунча ётиб ҳам олдим. Ўртоқлардан эшитсам, 19 март куни пийма кийиб машина ҳайдаган шофёрни қидираётган экансизлар, ўша мен бўламан. Ўзи нима гап?

— Жуда яхши. Сиз 19 мартда вокзалдаги омбордан юк ортганмидингиз?

— Ҳа, Мирзачўл ОРСининг юкиними?

— Ҳа.

— Ўзларининг машиналари келавермагач, шаҳарнинг бир жойига олиб бориб ташлашни илтимос қилишди. Мен олиб бордим. Нима; айбми бу?

— Сизга айб қўяётганимиз йўқ,— деди терговчи,— қаерга олиб бордингиз?

— Луначарский кўчасининг бошидаги Чирчиқ — Горний станцияси ёнига,— деди у ва бирдан ҳаяжонга тушиб қолди:— Наҳотки улар жиноятчи бўлса, мен уларни Чирчиқ — Горнийда постда турган милиционернинг олдига тушириб кетдим-ку. Агар улар жиноятчи бўлсалар милиционернинг яқинига йўлашармиди?

— Сиз ўша милиционерни танийсизми?

— Агар ўша постда бўлса, ҳозироқ бориб кўрсатаман.

— Ҳа...— деди терговчи,— буни осонликча топамиз.

Ҳақиқатан Чирчиқ — Горний темир йўл станциясида доим Комилов деган милиции старшинаси постда туришини аниқлаш осон бўлди. Биринчидан, уни кўп кишилар танир экан; иккинчидан, Комилов у ердаги постда бир неча йилдан бери ёлғиз ўзи хизмат қилар экан. Ўша пайтда у постга ҳали келмаган, келиш пайти ҳам яқинлашиб қолган экан. Комилов келгунча ўша атрофдаги кишилардан 19 март куни машинадан туширилган маданий моллар нима қилинганлиги суриштирилди. Шу орада бир неча кишилар қаторида Чирчиқ — Горний станциясининг юк кассири билан суҳбатлашилди. Розияхоним бундай ҳикоя қилди:

— 19 март куни икки киши...— деб дастлаб Абдуллаев билан Султоновнинг қиёфаларини тасвирлашга ҳаракат қилди. Сўнг гапида давом қилди:— Бир катта машинадаги юкни менинг идорам ёнига туширишди. Одамлар менинг олдимга ўтишга қийналишди. Улардан: «Қаерга борасизлар, билет расмийлаштирасизларми», десам: «Мирзачўлга», дейишди. Мен ҳайрон бўлдим. «Ундай бўлса, нега молингизни бу ерга туширдингизлар?»— деб сўрадим. Улар менга: «Ҳозиргина анави базадан олиб чиқдик. Ўзимизнинг машинамиз келади», дейишди. Кўнглим ғаш бўлиб, нима учундир ишонгим келмади. Чунки улар кўринишдан анча бесаранжом эдилар. Мен дарҳол базага,— бизнинг ёнимизда Ўзбекбир-

лашувнинг базаси бор,— уларга телефон қилиб, «Мирзачўлга сизлардан мол олишдими?»— деб сўрадим. Улар «йўқ», деб жавоб берганлари учун бу ерда постда турувчи старшина Комиловни чақириб, бу одамларни текшириб кўришни, молларни бу ердан олдиришни илтимос қилдим. У бўлса менга «молларни биров ўғирламаса бўлгани, бошқаси билан ишим йўқ», деб қўрс жавоб берди. Шундан кейин иш вақтим тамом бўлгани учун кассани ёпиб уйимга кетдим.

Кассир билан суҳбат тамом бўлаётган пайтда старшина Комилов ҳам келиб қолди. Шаҳар милиция ходимлари ўзларини таништиргач, воқеа ҳақида ундан сўрадилар:

— 19 март куни кассир касса биноси ёнига туширилган молларни текшириб кўришни сиздан илтимос қилган экан, текширганминдигиз?

— Нимасини текшираман,— деди терс жавоб бериб.

— Қимники эканлигини?

— Қимники бўларди, шунча мол албатта давлатники бўлади-да,— деди Комилов бамайлихотир.

— Қимлар келтирган эди?

— Туппа-тузук одамлар.

— Хўш, молларни қаёққа олиб кетишди?

— Ўзларининг машинаси келган эди, ортдилару жўнаб кетдилар.

— Қанақа машинада?

— Юк машинасида.

— Номери қанақа эди?

— Пайқамадим.

— Қай томонга кетишди?



— Билмадим.  
Қидириш яна чигаллашди.

## ТОШКЕНТДА ҚАНЧА СУЛТОНОВЛАРУ, ҚАНЧА АБДУЛЛАЕВ БОР

Абдуллаев номига берилган ишонч қоғоз бўйича мол берилганлиги учун у кўрсатган паспортнинг серияси, номери ва паспортнинг Марғилон шаҳар милицияси томонидан берилганлиги — базадаги ҳужжатлардан бирига ёзилган экану, лекин унинг پاسпорти қаерда прописка қилинганлигини ёзиб олишни унутишибди. Паспорт эгасини Марғилон шаҳридан қидириш керак эди. Шунинг учун терговчилардан Леницкий билан қидирув бўлими ходими Абдуғаниевлар Марғилонга жўнаб кетишди. Яна шуниси ҳам қизиқки, паспортнинг эгаси қаерда прописка қилинганлиги ёзиб олинмаганлиги устига, паспорт эгаси Абдуллаевнинг исми, лоақал исмининг бош ҳарфлари ҳам ёзиб олинмабди. Шунинг учун Абдуллаев билан Султонов қаердан паспорт олган бўлмасинлар, Тошкент ёки Тошкент областининг биронта районида пропискадан ўтмаганмикинлар? Бу муаммони ечиш учун адрес бюросидан Тошкент ва Тошкент области бўйича яшовчи Абдуллаев ва Султонов фамилияли кишиларни қидиршга тўғри келди. Подполковник Шоикромов шаҳар адрес бюросидан тезда хабар қилди. Маълум бўлишича, Тошкент ва Тошкент областида 3789 Абдуллаев ва 2119 Султонов пропискада бор экан. Бироқ прописка қилинганлар ичида Абдуллаев кўрсатган паспортнинг номери,

яъни Марғилондан олинган паспорт номери топилмади. Абдуллаевнинг бу ерда пропискадан ўтмаганини аниқ. Лекин бундай катта жиноят қилган шахс бошқа шаҳардан келиб, қўққисдан бундай жиноятга журъат қилиши мумкин эмас. Бу жиҳатдан уларнинг Тошкент ва Тошкент областида бир жойда пропискадан ўтган бўлишлари бежиз эмаслигини эътиборга олиб, бу атрофларда прописадан ўтган ҳамма Абдуллаев ва Султоновларни суриштириб кўришга тўғри келди. Султонов ва Абдуллаевлардан (ёши 20 га тўлмаган ва ёши 50 дан ошган кимсаларни ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатлари билан жамоатчиликка яхши танилган одамларни мустасно қилганда), ҳар эҳтимолга қарши суриштириб кўрилиши зарур бўлганлар сони бир неча ўн кишидан иборат эди. Текшириш натижасида уларнинг ҳам бу жиноятга ҳеч қандай алоқалари йўқлиги аниқланди. Лекин одамларда «бу иш беҳуда бўлибди, меҳнат зое кетибди», деган фикр туғилмади. Чунки бу текшириш натижасида ўз болаларига ва ота-оналарига нафақа тўлашдан қочиб юрган ва Йттифоқ миқёсида қидирилаётган бир неча мунофиқ Султонов ва Абдуллаевлар қўлга тушди, улар судга берилди. Бундан ташқари бир неча ойлаб ҳеч қаерда ишламасдан — фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан юрган бир неча «Султонову Абдуллаев»ларни меҳнатга жалб этилди. Бу милиция ходимларига йўл-йўлакай дуч келган тасодифий ишлардир.

Хуллас, Султонов ва Абдуллаев фамилияси билан Савдо министрлигининг маданий моллар базаси ходимларини товлаб кетган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент облас-

тининг шаҳар ва районларида пропискадан ўтмаганликлари аниқ бўлди.

Марғилонга юборилган ўртоқлар, бу ер кичик шаҳар эмасми, шаҳар милицияси томонидан Абдуллаев фамилияли кишига 1951 йил, 13 декабрда УП—УШ серияли, 196415 номерли паспорт берилганлигини тезда аниқлашиб, паспорт эгасини узоқ қидириб ўтирмай топганлар. Афсуски, бечора паспорт эгаси марғилонлик бир касиб экан. У киши февраль ойининг кунларидан бирида Марғилон бозорида айланиб юриб, етти сўм пули билан паспортини, ўз тили билан айтганда «киссавурга олдириб» қўйибди.

— Бадбахтлар чўнтагимдан хамирдан қил суғургандай олиб қўйибдилар,— деди кулимсираб Абдуллаев.

— Милицияга хабар қилмадингизми?

— Йўқ...

Албатта, Абдуллаев паспортни ўғирлатгани тўғрисида Марғилон милициясига хабар қилганда, марғилонлик ўртоқлар чўнтак ўғрисида қидиришди, балки тутардилар. Афсуски, улар жиноятдан беҳабар қолганлар. Бунинг устига Абдуллаев ўғирлатган паспортдан унинг суратини кўчириб, фирибгар ўз суратини ёпиштирган ва ҳатто паспорт номеридаги бир рақамни 5 қилиб ўзгартирган эди. Паспортнинг ҳақиқий эгаси— Абдуллаевнинг афти милиция ходимлари қидираётган Абдуллаевга сира ҳам ўхшамасди. Чунки маданий моллар базаси ходимлари фирибгар Абдуллаевни ғўлабирдан келган, баланд бўй, кулча юз, сочи ўсиқ, савлатли киши, деб тасвирлайдилар. Паспортнинг ҳақиқий эгаси бўлиши Абдуллаев эса унинг тамоман қара-

ма-қаршиси, паст бўйли, жиккак, узун юзли, даҳани мужмайганроқ.

Хуллас, Абдуллаев фамилияси билан маданий моллар савдоси базасига келиб «Главгосхозгосстрой» ОРСи номидан мол олиб кетган товламачи фирибгарлардан бирининг фамилияси мутлақо Абдуллаев эмаслиги аниқланди. Лекин фирибгарларнинг ҳақиқий фамилияси нима экан? Иш яна чигаллашди.

### **ФИРИБГАР КИМ БЎЛИШИ МУМКИН?**

Ҳақиқатан ҳам шаҳар милициясининг бу жинойтни очиш устида иш олиб бораётган ходимлари бошпга мушкул иш тушган эди.

Милиция ходимларининг бошида минг хил ташвиш бўлади. Албатта, ҳурматли ўқувчиларимиз уларнинг кўпгина ишларидан хабардорлар. Милиция ходимлари кўчаларни тоза супуртириш, ахлатларни ўз вақтида олдириш, ювилган кирларни тўғри келган жойга палапартиш ёйдирмаслик, пашша-чивинларни йўқотиш, кечалари кўча чироқлари устидан назорат қилишдан тортиб жамоат тартибининг сақлаш, давлат ва граждандарнинг мол-мулкларини қўриқлаш, хуллас, халқимизнинг осойишта кун кечиришини таъминлаш каби муқаддас вазифаларни бажарадилар. Шунинг учун ҳам милицияни халқимизнинг таяничи — хизматкори деб аташади. Бинобарин, милиция ходимлари бу ишнинг олижаноб иш эканлигини биладилар ва бу шарафли номга сазовор бўлиш учун интиладилар.

Қоронғи тушгандан тонг отгунга қадар кўчама-кўча, майдонма-майдон халқимизнинг осойишталигини сақлаб юриб кўпинча жинойт-

чилар билан яккама-якка курашиб, ҳаёти хавф остида қолишдан чўчимайдиган, ўз касбининг устаси бўлиб қолган шаҳар милициясининг атоқли бир группа ходимлари зиммасига маккор фирибгарларни топиш вазифаси тушди. Жиноятчи нақадар маккор бўлмасин, жиноят албатта очилиши керак. Буни милиция ходимларининг кўп йиллардан бери тўплаган иш тажрибалари исботлайди — совет тузумида очилмай қолмаган жиноят йўқ. Чунки жиноятларни очишда, жиноятчиларни топишда кенг жамоатчилик доим милицияга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Баъзан мўлжалланган ишнинг тескарисини бўлиб қолади, гўё киши боши берк кўчага кириб қолади. Милиция ходимлари бир неча кун кўз юммай, жиноятни очиш йўлларини излайдилар, узоқ тажрибага суяниб кўп ҳунарларини ишлатадилар. Қарийб юзларча гумонсираган одамларни зимдан текширадилар.

Фирибгарлар кимлар? Бу савол қидирув ва тергов бўлимлари, шаҳар милициясининг барча раҳбар ходимларининг олдида кўндаланг турган жумбоқ эди.

Тунги соат уч. Мирзаев тўпланган материалларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Шу иш юзасидан иш олиб бораётган ходимлар тўпландилар, улар ёнига республика милиция бошқармасининг жиноят қидирув бўлимида танилган ходимлар келиб қўшилди.

Нима қилиш керак?

— Базадаги ҳамма анқовларни қамаш керак.

— Бундан нима чиқади?

— Топиб берсинлар, айтиб берсинлар,— деди дарғазаб бўлиб Абдуғаниев.

— Қамаш қочмайди, анқов ҳам ўз қилмишига яраша албатта жазо олади,— деди Мирзаев ва сўзида давом этди.— Мен тилла соатларнинг турлари ва номерларини ёзиб, қидириш учун иттифоқимиздаги барча милиция ташкилотларига юбордим,— деди Мирзаев,— лекин бирор хабар келмаяпти.

Тонг ёриша бошлади. Йигилиш тамом бўлгани йўқ. Йигилишда иштирок қилаётган милиция оператив ходимлари нима қилиш кераклиги ҳақида ҳамон бир қарорга келганларича йўқ. Жумбоқни ечиш устида баҳс давом этмоқда. Улар шу аҳволда бир неча кечани кўз юммай тонг оттирдилар. Кунларнинг бирида газабга келган Петросян:

— Мана, неча кундирки, кўз юммай ишлаяпмиз, аммо маданий моллар савдо базасининг ходимлари, қарийб давлатнинг 400 минг сўми тагига сув қуйган бўлсалар ҳам ўз уйларида беташвиш ётибдилар. Бунга чидолмайман,— дея ўрнидан сапчиб туриб кетди. Улардан молларнинг пулини ундириб олиб, дарҳол жавобгарликка тортиш керак!

— Қидирув бўлими ходимлари — чекистлардир. Уларнинг юракларида ўт бўлса ҳам ўзлари совуққон бўлишлари керак, устозимиз Феликс Дзержинский шундай деб уқтирган эди. Сал огирроқ бўлинг,— деди милиция майори Мирзаев Петросянга. Петросян жим қолди.

— Қани, ишдан келайлик,— деди Аванесов осойишталик билан,— сизлар Тошкентдаги маълум ҳамма фирибгарларнинг шу кечакундузда оёқ олиб юришларини текшириб бўлдингларми?

— Ҳа,— жавоб берди майор Мирзаев.

— Натижа?

— Илинадиган ҳеч нарса йўқ.

Яна ҳар хил мулоҳазалар ва баҳслашувлар бўлди. Ниҳоят, йиғилишга тўпланган ходимлар бундай катта жиноятни шу Мирзачўл ОРСда ўралашиб юрган бирорта фирибгар қилиши мумкин, деган фикрга келишди. Ўша фирибгар ким бўлишини билмоқчи бўлдилар. Оператив йўллар билан олинган маълумотларнинг бирида Мирзачўлдаги ОРС атрофида юрган бир қаллобни, Олмалиқ шаҳрида тиш доктори бўлиб ишлаб турган Шарипов деган одам билар экан, деган хулосага келдилар. Шу заҳоти Петросяни автомашинага ўтқазиб Олмалиқ шаҳрига жўнатилди-ю, йиғилиш тарқалди.

Петросян Олмалиққа бориб Шариповни ўз уйидан топди ва ўша ернинг ўзидаёқ сўроқ бошлади.

— Сизни, кўп фирибгарларни танийди, дейишади,— деди Петросян Шариповга тик боқиб.

— Қанақа фирибгарларни?— ҳайрон қолгандай сўради Шарипов.

— Энг учига чиққан манаман деган фирибгарларни яхши танир экансиз-у,— деди Петросян.

— Ким айтди сизга бунни?

— Фақат менинг сўроғимга жавоб қайтаринг,— деди Петросян овозини баланд қилиб.

Шарипов бир оз тихирлик қилиб тургандан кейин, ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилиб гапира бошлади.

— Ўша сиз сўраган «учига чиққан» фирибгар,— деди у,— Мирзачўлдаги «Главго-

лодностепстрой» ОРСининг бошлиғига таниш. Унинг қаерда эканини ўша киши яхши биладди, улар яқинда Тошкент меҳмонхонасининг ресторанида бирга бўлишган.

## ИЛАШГАНЛАР

«Главголодностепстрой» ишчилар таъминоти бўлими идораси бугун ҳар кунгидан ҳам гавжум.

Тошкентдаги маданий моллар савдо базасидан қалбаки ҳужжатлар ясаб 360 минг сўмлик мол олиб кетилганлиги хабари Мирзачўлга — бу ташкилот ходимлари қулоғига етганидан кейин ОРС ходимлари типирчилаб қолдилар. Дастлаб ОРСнинг бош бухгалтери Фиманов ҳисоб-китобни чала-чулпа қилиб жуфтакни ростлаб қолди. Бу воқеа Мирзачўлга келган милиция ходимларини, айниқса, терговчи Ленецкийни қизиқтирди. У Фимановнинг ким эканлигини, нима учун апил-тапил ишдан кетиб қолганининг сабабини суриштирди.

Фиманов ишга олинмасдан илгари Тошкентда ишсиз сандирақлаб юрган экан. Чунки у Тошкент атрофидаги бир кон қурилишида бир йил бош бухгалтер бўлиб 48 минг сўмнинг тагига сув қуйгач, қўлга тушиб, суд бўлиб қамалиб кетган экан. Қамоқдан чиққандан сўнг уни «Главголодностепстрой» ОРСига ким ўрнаштирди-ю, ким дарҳол бўшатиб қочиб кетишига йўл қўйди. Бу масала терговчини анча ўйлатиб қўйди. Текшириш натижасида Фимановни ҳадиксираб қочган, деган мулоҳазага келинди.

ОРС идораси ёнидаги буфетда ишлаган



Петросов ароққа сув қўшиб, молларга ортиқча нарх қўйиб сотганлиги учун савдо контроль инспекцияси ходимлари томонидан қўлга олиниб, акт тузрилиб, иши терговга топширилгач, думини тутқазмай қочиб кетди, аллақаерларда сандирақлаб юриб, беш ой деганда яна ОРСда пайдо бўлди-ю, эртасига яна кўринмай қолди. Бу ҳодисани терговчи Ленецкий Мирзачўл милиция ходимлари билан синчиклаб текширади. Натижада Петросовнинг ўша куни ОРС кадрлар бўлимида ишловчи Раяхонимнинг уйида маншат қилади, Раяхонимнинг мастлигидан фойдаланиб, ундан ўзининг ОРСда яхши хизмат қилиб, ўз хоҳиши билан бўшаб кетди, деган маънода ҳужжат олади, худди шу гапни хизмат дафтарчасига ҳам қайд қилдиради. Шу билан бирга бир неча оқ қоғозга муҳр ҳам бостириб олади. «Демак, бу оқ қоғоздаги муҳрлар маданий моллар савдо базасидан моллар олиш учун фойдаланилган», деган фикрга келди терговчи Ленецкий. Раяхоним масаласини кенгроқ текшириб ҳал қилишни Мирзачўл шаҳар милиция ихтиёрига топшириб, ўзи Петросов изидан Тошкентга жўнаб кетди. Петросовнинг Тошкентда доимий турар жойи бўлиб, у жиноят қидирув бўлимининг учётида «майда товламачилар» ҳисобида турар экан. У 10 сўм ўрнига бир сўм, 1000 сўм ўрнига юз сўм, тилла ўрнига мис, кумуш ўрнига тунука бериб, кишиларни бир неча марта лақиллатиб қўлга тушган. Асосий касби пиво сотувчи, бу ишда кўпикдан даромад қилиб юриб, Мирзачўлда янги ташкил қилинган ОРСга ҳам илашиб олган экан. У ерда қўлга тушгандан кейин бир неча шаҳарларни

кезиб юриб юқоридаги ҳужжатни келтирганидан кейин, Тошкентда Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғига пиво сотувчи бўлиб ишга кирибди. Ленецкий уни Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг жиноят қидирув бўлимида сўроқ қилганида, ўжарлик қилиб ёлғон гапирди ва ўзини ҳар мақомга солиб кўрди. Аммо уринишларнинг беҳудалигини, айби исботланганини сезгандан сўнг воқеани ўзи батафсил сўзлаб берди; муҳр босилган оқ қоғозларни кимларга, қандай справкаларни қандай нарх билан сотганини ҳам айтиб берди. У билан муносабатда бўлган одамлар ҳам чақирилиб сўроқ қилинди. Бу иш билан қидирувчи ходимлар, терговчилар, экспертлар бир неча кун шуғулландилар. Улар «жиноятнинг изига тушдик», деб ишонган эдилар. Афсуски, текширишда аниқланишича, Петросова ва унинг шериклари бир қанча фирибгарликлар, жиноятлар қилган бўлсалар ҳам, «Абдуллаев ва Султонов»лар қилган фирибгарликка ҳеч қандай алоқалари йўқлиги маълум бўлди.

Энди нима қилмоқ керак?

### ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРМОҚЧИ

Султонов уч чамадонга фотоаппаратлар билан соатларни босиб самолётда Қозонга учиб келгач, Қозон шаҳрининг бозор ва магазинларига кириб нарх-навони суриштирди. Магазинлар ва кўча-кўйдаги танишларига арзон фотоаппаратлар, оддий ва олтин соатларни сотажагини айтди. Бир неча киши билан байлашиб қўйгач, бир тилла соатни олиб бозорга борди ва уни 500 сўмга

сотди. Бозордан такси машина ёллаб қайтар экан, йўл-йўлакай бир неча шиша ароқ, коньяк, пиво, закуска, хуллас, икки корзинкани тўлдириб Ямашева кўчасидаги 8/25-уйга кириб келди. Бу уй Султонов фамилияси билан Тошкентдан келган одам онасининг уйи эди. У Абдуллаев фамилияси билан юрган шериги келишини кутарди. Кечқурун Абдуллаев ҳам кириб келди, у Тошкентдан поездда келган эди. Тошкентдаги аҳвол устида сўзлашиб, милиция ходимлари уларни қидираётганини, лекин уддасидан чиқолмаётганликларини сўзлаб, «зап бопладикми», деб мақтанишди. Сўнг майшат қилишиб, тўрт кун ичида молларни Қозонда пуллаб, Москва орқали қайтиб кетишларини ва ишлар босди-босди бўлиб кетгунча Тошкент областининг саноат районларидан бирида яна мол ўмаришни, кейин Ўзбекистоннинг бошқа областларига бориб «иш»ларини давом эттиришни маслаҳат қилишди.

Янги «ишлар» учун қалбаки ҳужжатларни «Аби» аллақачон тайёрлашга киришган эди.

— Кўр бўлгур Абини боплаб сўкдим,— деди Султонов ширакайф ҳолда,— маданий моллар базасида сал бўлмаса қўлга тушаёздик. Ахир, баъзи ҳужжатларни жуда эътиборсизлик билан тайёрлабди. Наҳотки сабзавотлар олиш учун тайёрланган ишонч қоғози билан маданий моллар олсак?!

У «Аби»дан ўпкалаган бўлса ҳам, базадаги анқовлардан миннатдор эди.

— Ҳай-ҳай, наҳот «Продтовар» деб ёзилган ишонч қоғозга «промтовар» олаётганимизни пайқамасалар? То олиб чиқиб кетгунча ўтакам ёрилай деди.

— «Аби»нинг шоввозлиги шунда-да, у «прод» сўзи билан «пром» сўзини ўхшатиб ёзган,— деди Султонов керилиб.

— Ўб-бў, қурғур-эй,— деди Абдуллаев.

— Маданий моллар савдоси базасидаги каллаварамларга баракалла!— дейишди улар пивога ароқни қўшиб кўтаришар эканлар.

— Анқовларнинг омонлиги учун, — деди Султонов стаканни баланд кўтарар экан.

Абдуллаев келган куннинг эртасига Султонов билан кўчага чиқиб, спорт моллари магазинининг сотувчиси Абдулмановга 15 дона фотоаппаратни ўз нархидан 30 процент кам баҳога сотдилар. Абдулманов аппаратларни магазин витринасига бемалол қўйиб қўйди. Уттиз бешта тилла соатни Қозон универмагининг маданий моллар бўлими мудир Розумовскийга 25 процент арзон нархда сотишди.

Эртасига яна бир неча кичик дўкон мудириларига арзон нарх билан фотоаппарат ва соат сотишди. Учинчи кун бозор кун эди. Энди иккиси бир неча соатни бозорга опкелиб, дуч келган харидорларга сота бошладилар. Буни Қозон шаҳар бозорида санқиб юрувчи бир неча ўғрилар сезиб қолди ва уларнинг изига тушиб, пайт пойлаб пулларини ўмаришга қасд қилишди.

Ўғрилар Султонов билан Абдуллаевни Қозон вокзалигача кузатиб боришди. Султонов билан Абдуллаев ресторанга киришгач, орқаларидан ўғрилар ҳам кириб, Султоновлар столи ёнидаги қўшни столдан жой олиб ўтиришди ва пиво буюришди.

Абдуллаев оз-моз ичгандан кейин алжий бошлади. Султонов ундан энди ичмасликни

илтимос қилиб, Москва поездининг кетишига бир соат қолганлигини айтди. Бун и эшитган ўғрилар ўйлаб-нетиб ўтирмасдан пиволарини кўтариб Султоновлар ўтирган столга кўчиб ўтдилар. Ҳаш-паш дегунча ўғрилардан бири Абдуллаевнинг чўнтагига қўл солиб, бир нарсани беозоргина суғуриб олди. Бу чакана чўнтак ўғрилари ресторан ходимларига маълум бўлганидан, уларнинг ҳаракатларини кўздан кечириб бордилар. Шунинг учун улар Абдуллаевнинг чўнтагидан нарса ўғирланганини дарҳол Қозон милициясининг вокзал майдонидаги участка вакили Галимовга маълум қилдилар. Галимов граждан кийимида экан, у чўнтакка қўл солган ўғрини секингина олиб чиқиб кетди ва уни шаҳар милициясининг қидирув бўлими идорасига топширди.

Қозон шаҳар милиция бошқармасининг жиноят қидирув бўлимида вокзал ресторанида ширакайф кимсанинг чўнтагига тушган чўнтак ўғриси Зиннат Тенешевни сўроқ қила бошладилар. Бу ўғри Абдуллаевнинг чўнтагидан тўрт бурчакли бир кичик қутичани ўғирлаган, қутича ичида тилла қўл соати бор экан. Қидирув бўлими ходимлари соатни ундан олиб, соат эгалари қандай кишилар эканликларини суриштира бошладилар. Шунда Зиннат номли ўғри:

— Улар яқинда келишган, бозорда арзон соатлар сотишди. Улар мўмайроқ жойни урган бўлсалар ҳам бежиз эмас,— деди.

Қозон шаҳар милицияси қидирув бўлимининг ходимлари шошиб қолдилар. Чунки уларга Тошкент воқеаси хабар қилиниб, фотоаппаратлар ва соатларнинг номерлари Тошкент шаҳар милиция бошқармаси томо-

нидан ёзиб юборилган эди. Ходимлар Тошкентдан олинган маълумотни олиб, бу соатлар номерига солиштириб кўрдилар.

— Худди ўзи,—деди Қозон шаҳар қидирув бўлимининг ходими.

— Сен у одамнинг фамилиясини биласанми?— сўради у дарҳол Зиннатдан.

— Биз чўнтакка тушганда фамилиясини суриштириб ўтирмаймиз,—деди Зиннат ўғри.

Кабинетга кириб келган шаҳар милицияси қидирув бўлим бошлиғи имо қилиб Зиннатни олиб чиқиб кетишни буюрди, у воқеадан хабардор эди. Вақтни ўтказмай қидирув бўлим ходимларидан тўрт кишини соат ўғирлатган кимсани шериклари билан олиб келиш учун вокзалга юборилди. Жиноят қидирув бўлим бошлиғи бу ҳодиса ҳақида телефонда Тошкентга шаҳар милиция бошқармасига хабар юборди. Тошкентдан бир группа малакали ходимлар самолётда Қозонга учишларини билдирдилар.

### ЗАНГОРИ ШЛЯПА

Қозон шаҳар милициясининг қидирув бўлими ходимлари участковой Галимов билан бирга Қозон вокзалининг барча залларини айланиб чиқдилар, лекин қидирган кишилари топилмади. Чунки Султонов билан Абдуллаев аллақачон Москва поездида жўнаб кетган эдилар.

Поезд Қозонда бир станция ўтгандан кейин Султонов билан Абдуллаев ўтирган купеда «Аби» ғойибдан ҳозир бўлиб қолди ва уларга: «Ҳамма ёқ хотиржам», деб шивирлади.

Қозон милициясининг қидирув бўлим ходимлари Султонов билан Абдуллаевнинг фа-

милияларини суриштириб кўрдилар, лекин ҳеч ким улар тўғрисида бирор нарса айтиб беролмади. Фақат ресторандан чиққанда Султонов зангори шляпа кийиб олганини кўрганларини, у Москвага жўнайдиган скорий поездда кетганини айтишди холос.

Қозон милицияси қидирув бўлим бошлиғи ўз ходимларининг кечикиб қолганликларидан ва жиноятчилар ҳақида аҳамиятга эга бўлган бирор маълумот олиб келолмаганликларидан жуда ранжиди. Бунинг устига у Тошкентга хабар бериб қўйганидан ва тошкентликлар: «Улар катта жиноятчилар, изини йўқотманглар», деб илтимос қилишган эди. У тошкентлик милиция ходимлари: «Баракалла, сизларнинг ҳам бурнингизни ишқаб кетибдилар», деб кесатишини кўз олдига келтириб, хижолат тортди. У дарҳол икки ходимига самолётда Рязань шаҳрига учиб бориб, Қозондан жўнаган скорий поездига чиқиб, жиноятчиларни ушлашни топширди. Қидирув бўлим ходимлари участковой Галимовни ҳам олиб кетдилар; улар Галимов жиноятчиларни кўрган, у билан вагонма-вагон юриб, жиноятчиларни топиш осон бўлар, деб ўйлаган эдилар.

Қозон шаҳар милициясининг ходимлари Рязань станциясидан чиққан бўлсалар ҳам, фақат Москванинг Қозон станциясига келгач, зангори шляпали кимсани шериги билан тутишга муваффақ бўлдилар. Поезд Қозон вокзалига келиб тўхтаганида ҳар бир вагон ёнида Москва милициясининг жиноят қидирув бўлими граждаи кийимидаги ходимлари вагондан тушаётганларни диққат билан кузатмоқда эдилар. Қозон шаҳар милиция ходимлари

ушлаган кишиларни улар дарров кўрдилар. Улар вагондан тушган ҳамон станция майдони-га бирга чиқдилар ва у ерда тайёр турган машинага ўтириб, ҳаммалари Москва шаҳар милиция бошқармасига жўнадилар. Султонов билан Абдуллаев энди қўлга тушган эди.

Жиноятчилар Москва шаҳар қидирув бўлимига топширилаётган пайтда Тошкент милиция ходимлари кириб келдилар.

### **САРИҚ РАНГЛИ «ПОБЕДА»**

Автомобиль инспекциясининг ходимлари учун жиноятчиларга хизмат кўрсатиб юрган сариқ рангли машинани топиш жуда қийин бўлди. Бу сариқ «Победа» кимники бўлди? Орадан ўн кунча ўтганда бу машина бир кишининг хусусий машинаси бўлиб, у ёш бир арман йигити эканлиги тўғрисида маълумот олинди; шунинг учун уни хусусий машинаси бор кишилар орасидан қидирила бошланди. Ҳамма сариқ «Победа»лар бирма-бир кўздан кечирилган бўлса ҳам сариқ «Победа»ни ҳеч қаерда учратиб бўлмади. Чунки машинанинг ранги тўғри келса, эгаси ёки шу машиннадан фойдаланувчилар жинойи ишлардан жуда узоқлиги маълум бўлди. Суриштира-суришти-ра сариқ «Победа»нинг номери аниқланди, уни Бекобод шаҳридаги бир колхозчи миниб юрар экан. Дарҳол Бекободдан колхозчи ҳам топилди. Ундан машинани қаердан олганлиги сўралди ва у киши машина эгаси Тошкентда Хорошинский кўчада (уй номерини эсдан чиқарган экан) яшовчи армани йигит эканлигини айтиб берди.

Хорошинский кўчасидан арман йигитни топиш қийин бўлмади. Бу йигит илгари Тош-



кент артелларида шофёр бўлиб ишлаб, артелларнинг машиналаридан ўзи хоҳлаганича фойдаланар экан. Даставвал эски «Москвич» олган экан, яна киракашлик қилиб, пул йиққан, уни сотиб, сарғиш «Победа» олган экан. Қасалман, деб сохта справка олиб, ҳеч қаерда ишламасдан киракашлик қилиб юраверган. Киракаш ўғрими, тўғрими, суриштирмай, ким кўп пул берса, шунинг хизмати қилаверади. Шу йўсин Бахшиев ҳам нафси бузуқлигидан фирибгарларнинг товламачилик ишларига иштирок қилганини ўзи ҳам сезмай қолган. У маданий моллар базасидаги воқеадан кейин жуда қўрққан. Чунки жиноятчилар қидирилаётгани унинг қулоғига етган эди.

Фирибгарлар Тошкентда кўринмай қолади. Ўтакеси ёрилган йигит машинасини бекобдлик колхозчига сотади ва ўзи ярим ишриниб яшай бошлайди. Шаҳар милициясининг тергов бўлимида у ҳеч қаерда ишламай ўз машинаси орқали ҳар кимларнинг хизмати қилиб кун кўриб юрганини айтди. Охирги марта фирибгарлар билан бирлашиб маданий моллар базасидан 367 минг сўмлик молни олиб чиқиб кетишга ёрдам қилганини ва ўлжадан ўзининг улушини олганини ҳам тан олди. У қўлга тушиш кунини кутиб юргандек воқеани бемалол ҳикоя қилди. У молларни Чирчиқ — Горний станцияси ёнидан тасодифий дуч келган ЕК—79—44 юк машинасида Хорошинский кўча, 2-тупик, 10-уйга келтириб туширлаганлигини айтди. ЕК 79—44 номерли машина Ўрта Чирчиқ продснабига қарашли бўлиб, унинг шофёри Богдасаров ўша куни молларни йўл-йўлакай ортган. Юкларни юқоридаги адресга тушириб кетганига иқрор бўл-

ди. Мол туширилган бу адресда ўзини Султонов деб сохта фамилия билан танитган кимсанинг акаси Гайнуллин турар экан, бу уйни тинтув қилинганида маданий моллар савдоси базасидан олинган молларнинг бир қанча яшиклари ва тўртта радиоприёмник топилди. Гайнуллин Калинин райпрокомбинатида ишлар экан. У бу молларни укаси келтирганини айтди, аммо жиноятга иштирок қилганини инкор этди. Оператив талабга кўра у қamoққа олинди, аммо у тўнини тескари кийиб қабих жиноятчилардек сўроқ беришдан бош тортди.

### **ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ НОМЛАРИ**

Тошкентда жиноят очила бошлагач, олинган биринчи маълумотлар Москвага жўнатилган ходимларга телефон орқали етказилди. Акасининг қамалганини ва унинг уйдан бир қанча мол чиққанини эшитган Султонов фамилияси билан ушланган кимса ўзини фош қила бошлади. Унинг ҳақиқий фамилияси Хисматуллин бўлиб, исми Галимулла экан. Яқинда акасининг ёрдами билан Татаристон АССРдан Тошкентга келиб, 14-нон заводига бош тарозибон бўлиб ишга кириб олган экан. Абдуллаев эса Гумар Муҳаммадзянов номи киши бўлиб, «Пахтакор» стадионда дурадорлар бригадири бўлиб ишга кирган. «Аби» лақаби билан фирибгарларга устозлик қилиб турган зот машҳур товламачи Гарифулла Мунақашев деган кимса бўлиб, у фойдали иш билан шуғулланмасдан, товламачилик орқасида кун кўрар экан. Тошкентдаги Профсоюзная кўчасидаги 32-уйда истиқомат қилиш учун пропискадан ўтган бўлса ҳам, доимо район-

ма-район, шаҳарма-шаҳар сандирақлаб юриб, лақма-анқовларни товлаб кун кўрар экан. Шундай фирибгарликлари учун бир неча марта қамалиб сийқаси чиққан бу ўғри ҳозирча қидирувчи ходимларга яна чап берди. Ҳар ҳолда жиноят очилди. Жиноятчиларнинг кўпи қамоққа олинди, молларнинг анча қисми топилди, ўғирлик мол эканини била туриб сотиб олган одамлардан қайтариб олиниб, улар ҳам жиний жавобгарликка тортилди.

### ЖОДУГАР ЗИМ-ЗИЕ

Галимулла Хисматуллин билан Гумар Муҳаммадзяновлар устидан олиб борилган тергов тугаб, иш судга оширилди. Улар Султонов ва Абдуллаев номига олинган қалбаки ҳужжатлар билан қилган жиноятларини гарданларига олдилар. Улар устидан қўзғатилган ишда етарли далиллар тўпланган эди. Суд Хисматуллин билан Муҳаммадзянов ва уларнинг ҳамтовоқларини бир неча йилга қамоққа ҳукм қилди. Қозон шаҳрида яшовчи ўғирланган молларни фирибгарлардан арзон-гаровга олган савдо ходимларини жиний жавобгарликка тортиш учун улар ҳақидаги материаллар бу тергов ишидан олиниб, Қозон шаҳар прокуратурасига юборилди. Союз культторг бошқармаси Тошкент бўлимидаги гўл ходимларга тегишли маъмурий чоралар кўрилди. База раҳбарлари ишдан олинди.

Терговчи сўнгги кезларда ва суд кетаётган пайтда бу жиний ишнинг ташкилотчиси хатти-ҳаракати мукамал ошкора қилинди-ю, лекин уни тутиб келиб қора курсиға ўтқизилмади. Чунки у Москвадаги Қозон вокзалига

келиб милиция ходимлари Хисматуллин билан Муҳаммадзяновларни тутмоқчи бўлганларида, уларга чап бериб, одамлар орасига кириб қочиб қолди. Пакана, ихчам, чаққон «Аби» дарров изини йўқотди. Суд тамом бўлгач бу машҳур товламачи Гарифулла Мунақашевни мамлакат бўйлаб қидириш эълон қилинди. Маълум бўлишича, у бунга қадар ҳам қалбаки ҳужжатлар сотганлиги, лотерея билетининг ютуқ чиққан рақамларини қалбаки қилиб катта ютуқ олмоқчи бўлганлиги, юз сўмлик заёмни, 300 сўмлик ютуқ чиққан заёмни (серия ва облигация қилиб рақамларини қалбаки қилиб) минг сўмга сотганлиги учун Сорокин, Ивашкин ва Бурнаш фамилиялари билан ҳам қидирилаётган эди. Унинг делоларидаги суратлари ҳам ҳар хил эди. Бирида серсоқол, мўйловли, иккинчисида фақат мўйловли, учинчисида эса соқол-мўйловсиз, шляпали, шляпасиз, галстукли, галстуксиз суратлар... Улар бир-бирига ҳеч ўхшамасди. Бироқ сурат тагида унга берилган характеристика бир хил: пакана, хипчадан келган, чаққон, қарашлари хунук, типирчилаб турувчи, ҳийлакор деб таърифланган эди. У Москванинг Қозон вокзалида кўздан йўқолгандан кейин жодугардай зим-зиё бўлди. У содир қилган жиноят давлатга катта зарар етказганлиги учун қидириш ишлари янада жадаллаштирилди.

## АТТАНГ

Фирибгарлар ва анқовлар устидан тергов олиб борган Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг катта терговчиси Борис Григорьев энг тажрибали терговчи ҳисобланади. Бу ишни

очишда у ўзининг бутун талантини ва маҳоратини кўрсатди. У терговни усталик билан олиб борди. Лекин жиноят анча кеч очилганлигидан бош жиноятчи Мунақашев қочиб қолганлиги сабабли тергов мукаммал тус олмади. Бундан Григорьевнинг ўзи ҳам норози бўлди. Бунинг устига жиноят анча илгари, ҳатто содир бўлишининг пикинчи ёки учинчи куниёқ очилиши мумкин эканлиги унга маълум бўлиб қолди. Бу воқеа бизнинг ҳикоямизга анчагина тафсилот киритиши мумкинлиги учун бу ҳақда ҳам тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Борис Григорьев хотини Галина билан уч йилдан бери бирга яшайдилар. Икковлари ҳам қадди-қомати келишган одам. Ёшлари ҳам энди 28 га борди. Илгари бирга ўқиб, бир-бирларига ёқиб қолишган. Уларнинг иноқлигига ҳамманинг ҳаваси келарди. Улар бирга ишга кетишар ва кўпинча бирга қайтишар, баъзида эса Григорьев кечаси ишларди. Галина уни ишдан кечаси аллавақтларда қайтса ҳам ухламай кутиб ўтирарди. Галина 17 март куни ишдан қайта туриб одатдагича Лоҳутий, Ленин кўчалари бурчагида эри Григорьев билан учрашиб, уйга бирга кетишди, йўл-йўлакай бир-бирларига чурқ этмади. Уйда ҳам бир нарсадан қаттиқ хафа бўлгандек иккови бир-бирига рўйхуш бермас эдилар. Григорьев ҳам ўша куни культторг базасидаги анқовларни фирибгарлар тузлаб кетганлари ва дастлабки оператив ҳаракатлар бирон натижа бермаганидан, жиноятнинг биронта изи қолмаганидан энсаси қотиб Галинанинг авзойи руҳига эътибор бермади. Ҳатто ўша куни кечаси соат 2 да ишдан қай-

тиб келгандан кейин ҳам Галинанинг хафа эканлигини сизди-ю, лекин жиддий иш устида виждони қийналаётгани учун эътибор бермади. Бу икки ёшнинг ҳаёти биринчи бор шундай кўнгилсиз бўлиши эди. Галина аста-секин бу нарсаларни унутди, асли ҳолига келди, Григорьев анчагача бесаранжом бўлиб юрди.

Жиноят очилган, Хисматуллин билан Муҳаммадзянов Москвада ушланган куни Григорьев ўзида йўқ севинди. Ўша куни Галина билан ишдан қайтар экан, 4—5 ой деганда биринчи марта дўконга кириб бир шиша «Қагор» ва бир шиша ароқ олди, улар уйга келгач Галина ҳайрон бўлиб:

— Меҳмон келадими?—деди.

— Йўқ, сени меҳмон қилмоқчиман.

— Нечук?

— Ишим олчи.

— Қандай, катта амал тегдими, унвонинг оширилдими?

— Йўқ, оғир жиноятни очдик,—деди Григорьев хотини билан стол безашга киришар экан.

— Қайси иш, фирибгарлар культторг базисидагиларни товлаб кетганларими?

— Ҳа, ўша иш.

— Кимлар экан у баттоллар?

— Муҳаммадзянов, Хисматуллин деган кимсалар экан.

— Муҳаммадзянов?—бирдан бақириб сўради Галина.

— Ҳа, ўша. Дурадгорлик қилар экан.

— Ҳм...—деди Галина лабини тишлаб,— бўлмаса бугун ҳақиқатан ҳам ичадиган экан.

— Нима учун?—унга тикилиб сўради Григорьев.

Сўнг Галина хоним эрига, Муҳаммадзянов у кадрлар бўлми бошлиғи бўлиб ишлаб турган «Пахтакор» стадиони қурилишида дурдгор бўлиб ишлашини, 17 март кuni ишга чиқмагани, 18 мартдан эса қидирув бошлангани, у анкетасида ёздирган адресда ҳеч вақт турмагани аниқланганини, шунақа унсурни ишга қабул қилгани учун қурилиш бошлиқлари уни обдан койиб, маъмурий жазо берганини айтиб берди.

— Эсингда бўлса, ўша кезлари еган-ичганим ичимга тушмай юрганининг сабаби ҳам шунда эди, — деди Галина пировардида хўрсиниб.

— Ҳа, шунга тумтайиб юрган экансанда, — деди Григорьев ёнидан Муҳаммадзяновнинг суратини олиб кўрсатиб. — Шуми?

— Худди ўзи, — деди суратни қўлига олган Галина.

— Нега ўшанда менга айтмадинг?

— Нега ўзинг ҳам сўрамадинг?

— Гина сақлаб юрган экансанда.

— Бўлмасам-чи.

— Аттанг!.. Агар ўша кuni сўраганимда уни таниганлар билан суҳбатлашиб, аниқлаб, жиноятни тез очар эдик. Биз бўлсак у кўрсатган қалбаки ҳужжатга қараб Абдуллаев деган кимсани қидириб кўп овора бўлибмиз.

— Эсиз...

— Ҳар қалай, очдик, қуй, ичайлик, — деди эри.

— Сен қуй, хотинларнинг иши чой қуйиш.

Григорьев рюмкаларнинг бирига вино, иккинчисига ароқ қуйди.

Рига шаҳар бутхонасига бир кун жуда кўп одам тўпланган, ибодатни бутхона попи Минец номли шахс бошқармоқда эди. Бутхонанинг жанубий бурчагидаги боши берк тор кўчадаги Минецнинг ҳовлисига шляпасини қўлида ушлаган ҳолда паканагина киши келиб, эшикни қоқди. Уйдан попнинг хотини тақводор аёл чиқиб, эшикни очди. Пакана кимса аёлни кўриб ичида нималарнидир ўқиган бўлиб, чўқиниб кетди.

— Ёлғизмисиз?

— Ҳа, нима эди?

— Худого мниг қатла шукур, — деди паст товуш билан пакана киши ва ўзини уй ичига олди.

— Тинчликми? — деб сўради бесаранжомланган аёл.

— Мен ибодатхонадан келдим. Мени Ганчин чол юборди (ганчин попнинг ёрдамчиси эди), милиция эрингизни олиб кетаётган экан. Ҳозир бу ерга уйингизни тинтув қилиш учун келиб қолишлари мумкин, шунинг учун сиз баъзи қимматли нарсаларни ва маблағларни йўқотар экансиз.

— Вой шўрим, энди нима қиламан?

— Ўзингизни босиб, улар келишиб қолмасдан оқчани, қимматли буюмларни бирор ерга жойланг. Мен кетдим. Мен бир қўрқоқ, дуоғўй одамман, яна бир балога йўлиқмай. Бу хабарни холисанилло бажардим, — дедида, чўқина-чўқина уйдан чиқиб кетди.

Аёл нима қиларини билмай, дарҳол бир қора халтачага шкафдан 50 минг сўмлик 3 процентли заём, 11 минг сўм пул, чўнтак



тилла соати ва учта тилла юритилган кумуш крестни солиб, бир қариидош қўшнисиникига олиб бормоқчи бўлиб уйдан чиқиб, эшикни қулфлади ва тор кўчадан чиқиб катта кўчага бурилган ҳам эдики, ёнига пальтоси ёқасини кўтариб кийинган икки йигит келиб уни тўсди ва ён чўнтакларидан қизил муқовали «гувоҳнома» деб ёзилган дафтарчани кўрсатиб:

— Биз ОБХСС ходимлари бўламиз. Қаёққа бораётибсиз? Ҳозир ордер олиб келиб уйингизни тинтув қиламиз. Биз ордер келтиргунча уйингиз атрофида тура туринг, — деди.

Аёл бечоранинг ранги ўчди, қони қочди. Қўрқиб кетганидан улар кўрсатган гувоҳномани ўқиб ҳам ўтирмади.

— Қўлингдаги нима?

— Ҳеч нарса. Бунда иконлар, — деди-да, чўқина кетди аёл.

— Ҳеч нарса денг, — қайтарди йигитлардан бири. — Қани, бу ёққа беринг-чи, — аёл қўлидаги тугунни тортиб олди.

— Аҳа, олтин заёмлару қимматбаҳо нарсалар-ку, қаерга яширмоқчи эдингиз?

Аёлнинг жуда ҳам капалаги учиб кетди. Титроқ босиб, ғинг дея олмади.

Йигитлар яна дўқ ура бошладилар.

— Қани, биз билан юринг, милицияга борамиз.

Аёл хоҳлар-хоҳламас улар билан гўё милицияга қараб борар эди. Бир неча одим юргандан сўнг йигитлардан бири сўради.

— Паспортингиз ёнингиздами?

— Йўқ.

— Юринг уйингизга, паспортингизни олиб чиқинг, қоча кўрманг, — деди йигитлардан бири ва орқага қараб юра бошладилар. Аёл уйга

кирди. Шу он боя аёлга хабар қилган пакана киши енгил машинада ғиз этиб келди-да, «ОБХСС йигитлари» олдиди тўхтатди. Улар дарҳол машинага ўтирдилар ва машина ғизиллаб юриб кетди.

Шунча заём, пул, олтин соат ўмарилди. Аёлга хабар қилган ва машинада келиб ОБХСС-дан келган йигитларни олиб кетган пакана киши ўша «Аби» лақаби билан танилган Мунақашев эди.

У Москвада қочиб қутулгандан кейин Рига шаҳрига келиб яна фирибгарлар гуруҳини тўплаб найранг билан поп оиласини чирқиллатиб кетди. Бу ҳодиса эртасига Рига шаҳар милициясига маълум бўлди. Аммо фирибгарларнинг Рига шаҳрида изи қолмаган эди.

## ПЕЧКА УСТАСИ

1958 йилнинг куз фасли. Кишилар қиш ғамини ея бошладилар. Қозоғистон ССР Жамбул шаҳрининг бозори ёнида қўлига андава билан газчўп ушлаган жиккакдан келган, пакана бўйли бир кимса пайдо бўлиб қолди. У кишиларга ёлланиб уй печкаларини тузатар ва янги печкалар қуарди. Унинг тузатган ва янги қурган печкалари мустаҳкам бўлишидан ташқари, иссиғи баланд, олов равон ёнадиган, хуллас, ҳар жиҳатдан кам-кўстсиз эди. Шу сабабли у тез кунда шаҳарда «уста печкачи» деган ном чиқарди. У кишиларга ўзини Маҳамадгали Айсин номи билан танитди. Унинг хотинидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Улар кичик бир уйда ижарага ўтирар эдилар. Хотинининг фамилияси Мунақашева эди. Гарчи хотинининг

фамилияси эрининг фамилиясидан бошқа бўлганиги унча ҳам тасодифий ҳодиса бўлмаса ҳам, Жамбул шаҳрида Мунақашев кам учрайдиган фамилиялардан бўлганиданми, ёки шу фамилия билан «машҳур фирибгар» Иттифоқ бўйлаб қидирилмоқда эканлигиданми, Жамбул шаҳар милициясининг қидирувчи ходимларининг диққатиши бу фамилия ўзига тортди. Қидирув ходимлари Айсиннинг «фирибгарлик» қилиб Куйбишев шаҳрида қўлга тушиб, икки йилга қамалиб, маълум вақт қамоқ муддатини ўтаб, Жамбул шаҳрига келиб тура бошлаганини Иттифоқ бўйлаб қидирилаётган Мунақашев ҳам фирибгар бўлиб, хотинининг фамилияси ҳам Мунақашева эканини аниқлагач, буларнинг бир-бирига муносабати бор-йўқлигини аниқлаш ҳаракатига тушдилар. Жамбул шаҳар милиция бошқармаси бу ҳақда Тошкент шаҳар милиция бошқармасига, яъни Иттифоқ бўйлаб қидириш эълон қилган ташкилотга хат ёзиб, уни суриштириб кўришни илтимос қиладилар. Бу хатини олган замоноқ катта терговчи Григорьев самолётда Жамбул шаҳрига учиб келди. Айсин ва хотинининг ҳужжатларини ҳар хил баҳоналар билан текшириб кўрди. Уларнинг ҳужжатлари кам-кўстсиз бўлиб, унда терговчининг эътиборини тортарли бирор мужмаллик йўқ эди. Фақат Айсиннинг паспортидаги сурати Григорьев олиб келган Мунақашев суратларининг бирига жуда ўхшар эди. Шунинг учун у Айсинни ўз кўзи билан кўриб, иложи бўлса гаплашиб ҳам кўрмоқчи бўлди.

Катта терговчи Григорьев Айсинни тасодифан кўчада учратиб қолди ва беҳосдан «Мунақашев!» деб чақирди. Айсин ялт этиб қара-

ди-да, яна бепарво ўз йўлига қараб кетаверди. Григорьев унинг орқасидан тез-тез юриб етиб олди. Улар тўқнашдилар. Григорьев Тошкент шаҳар бошқармасининг бош терговчиси экани ҳақидаги гувоҳномасини кўрсатди ва ўзи билан милиция бўлимига боришни таклиф қилди. Унинг ўтқир кўзлари бу кимсанинг ўша Мунақашевлигидан ҳеч шубҳа қилмас эди. Айсин қаршилиқ қилмай Григорьев билан кетар экан:

— Яқиндагина қамоқдан чиққанман. Ишлаб юрибман, яна нима гап?— деб сўради.

— Сиз Айсин фамилиянгиз билан қилган жиноятингиз учун қамалиб чиққансиз,— деди Григорьев қатъий қилиб.

— Жазойимни тортдим-ку.

— Сизнинг ҳақиқий фамилиянгиз Мунақашев эмасми?

Айсинни титроқ босди, ранги ўчди.

— Сиз Мунақашев Галимулла эмасмисиз?— қайта сўради Григорьев.

— Шундай...— бошини қуйи солди у.

— Шу асл фамилиянгиз билан Тошкент маданий моллар савдо базасидаги анқов кишиларни алдаб, 360 минг сўмлик молларни олиб кетгансиз, шерикларингиз Москвада қўлга тушиб, сиз қочиб яширингансиз.

— Мени ҳеч ким тутгани йўқ.

— Сиз қочиб қутулиб, яшириндингиз, иннайкейин?..

— «Иннайкейин»и ҳам борми?— деди у Григорьевнинг гапини бўлиб.

— Сорокин фамилияси билан қилган товламачилигингиз. Рига шаҳрида поп хотинини милиция ходими номидан шилиб кетганингиз...

— Бас,— Мунақашевнинг товуши титради.

— Биз ҳам бас қилмоқчимиз,— деди Григорьев осойишта,— гулдэк ҳунарингиз бор экан, кишиларни алдашга барҳам беринг, де-моқчимиз.

— Қамоқдан чиққанымдан кейин ўтмишда-ги кир касбимга чек қўйишга аҳд қилиб, меҳнат қилишга киришган эдим. Энди еган-ичганим ичимга тушаётган эди.

— Нега?

— Негаси борми? Ўз соямдан ҳам чўчиб, ҳаловатсиз юрар эдим.

— Ана энди ўзингизга келдингиз.

\* \* \*

Мунақашевнинг тавбасига таянгани энди сезилиб турар эди.

Эртасига Григорьев Айсин — Мунақашевни самолётда Тошкентга олиб келди. Терговни давом эттирди. Мунақашев ҳамма қирдикорларини батафсил сўзлаб берди ва: «Бу сафар мени охирги марта суд қиласиз», деб Григорьевни ишонтирди.

1959 йил, август ойининг дастлабки кунларидан бирида Тошкент шаҳар милиция бошқармасининг биносига ранги ўчиб, қони қочган икки киши шошилиш ҳолда кириб келди. Бир — баланд бўйли, йўғон гавдали, сариқ жингалак сочи тўзғиб кетган, шаддоднамо аёл, иккинчиси — ёши элликлардан ошган, хипчагина, мошкичири соқолли, ҳали унча қари бўлмаса-да, юзларини ажин босган эркак. Улар дарҳол навбатчи милиционердан милиция бошқармаси бошлиғининг кабинетини кўрсатишни талаб қилдилар.

— Начальник банд. Бугун қабул қилмайди,— деди совуққонлик билан навбатчи милиционер.

— Балки қабул қилар, биз муҳим бир иш билан келдик.

Милиционер киритсаммикин ё йўқми, деб иккиланиб турганда шаддод аёл бўғиқ товушда:

— Бўлинг тезроқ, бир юз йигирма минг сўмлик молимизни ўғирлаб кетишди,— деди.

— А... ундай бўлса, қани юринглар,— дея милиционер уларни милиция бошқармаси бошлиғининг кабинетига бошлади.

Улар иккинчи қаватга кўтарилгач, аёл ҳар-силлаб узоқ нафас олди-да, манглай терини арта-арта кабинетга кириб кетди.

— Мен СССР Центросоюзи посильторги Тошкент базасининг директори Аъламова бў-ламан. Бу киши базанинг бош бухгалте-ри,— деб у орқасида турган жиккак чолни столга яқинроқ тортди.

— Ўзи нима гап?

— Жиноятчилар бизнинг базадан қалбаки ҳужжатлар билан юз йигирма минг сўмлик ҳар хил молимизни олиб кетишди,— деди эн-тика-энтика Аъламова.

— Қандай қилиб?!

— Биз анқовларнинг кўзини бўяб,— деб жавоб қилди бухгалтер Яшников.

— Қачон?

— Бундан бир ярим ой илгари. Топиб бў-лармикин-а?— деди Аъламова қўлидаги бир қанча қоғозларини стол устига қўйиб, нимани-дир титкилаб қидираркан.

— Нега шу вақтгача хабар бермадинглар?

— Ўзимиз бугунгина билиб қолдик.

— Ахир сизнинг бундан уч ой илгари фи-рибгарлар маданий моллар савдоси базаси-дан 360 минг сўмлик молни қалбаки ҳужжат-лар билан олиб кетганидан хабарингиз йўқми-ди?— деди милиция полковниги Исмоилов.

— Эшитувдим, топиб берибсизлар-ку,— де-ди осойишталик билан Аъламова ва билинар-билинемас илжайиб қўйди.

— Топишга-ку топдик, лекин давлат мул-кига анчагина зарар етган. Наҳотки шу ҳоди-са сизларга сабоқ бўлмаган,— деди қовоғини солиштириб милиция бошлиғи ва телефон ор-қали терговчи лейтенант Григорьевни ва қи-

дирув бўлим ходими лейтенант Валагиннинг тезда ўз ёнига етиб келишларини сўради.

— Мана, мол олиб кетган машинанинг номери, мана, мол олган одамнинг паспорт номери,— деди Аъламова. Ушундай деб бир неча қозғоз парчаларни милиция бошлиғига узатди.

Милиция бошлиғи паспортнинг номерини, сериясини кўздан кечириб, ёнида ўтирган милиция ходимларига узатди. Милиция ходимларидан бири, бу номерли паспорт Ўзбекистондан берилмаган, деди.

— Қаердан берилган бўлиши мумкин?

— Серияси Қозғистонда бериладиган паспортлар сериясига ўхшайди.

— Ҳа, мол олган одамлар қозоқ башара кишилар эди-я,— деб тасдиқлади Аъламова.

Кабинетга Григорьев билан Валагин ўртоқлар кириб келишди.

— Эшитамиз.

— Яна бир базадан фирибгарлар 120 минг сўмлик мол олиб кетишибди. Бироқ воқеа икки ой чамаси илгари бўлган,— деди милиция бошлиғи. Сўнг у гапида давом этди: — Вақт ўтган, деёлмаймиз. Бугун ҳамма материаллар билан танишиб, кечаси менга жиноятни очиш ва жиноятчиларни топиш планларингизни келтиринг. Уч кун муддат ичида жиноятни очиш учун ҳамма чораларни кўринг!

— Ҳўп бўлади!

Милиция лейтенантлари — Григорьев, Балагин, улар билан бирга база директори Аъламова, бош бухгалтер Яшниковлар чиқиб кетишди.

Кабинетда икки-уч милиция ходими, милиция бошлиғи бу воқеадан нақадар ғазабга келганликларини сиртдан сездирмасликка



уриниб, чурқ этишмай ўтирардилар. Ниҳоят, ходимлардан бири бу сукунатни бузди:

— Бари бир бу жинойт очилади.

— Очишга-ку очамиз, лекин икки ой ўтган бўлса, молларни топиб бўлармикин?— деди иккинчиси.

— Топиш керак!

— Ҳазм қилиб бўлгандирлар.

— Топамиз, мол-мулкларини сотиб бўлса ҳам ўрнини тўлдиртирамиз,— деди тергов бўлимининг мудири Осипов.

Одатда милиция ходимларининг ўз тажрибаларига суяниб, бундай қатъий қарорга келишлари кўпинча кишиларни ҳайратда қоларди.

Қани кўрайлик-чи, бу ёғи нима бўларкин?

### ИМЗОНИ ТАСДИҚЛАБ ҚЕЛИНГ

Тошкентнинг гўзал Қисловодский кўчасига кириб борганда, чапга бурилсангиз, Уста Ширин номли чиройли кенг кўчага чиқасиз. Бу кўча сизни шаҳарнинг шимолий саноат шохобчасига олиб боради. Шу шимолий саноат шохобчасининг ўртароғида баланд деворлар билан ўралган катта-катта саноат моллари омборлари бўлиб, улар қаторига Совет Иттифоқи Центросоюзининг ҳар ёққа моллар жўнатадиган савдо базаси (посилторг базаси) жойлашган. Бу базадан Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўп шаҳарларига, ўзаро тузилган савдо шартномаларига мувофиқ, турли-туман саноат моллари, кийим-кечаклар юборилиб турилади. Базанинг бир неча складлари жойлашган ҳовлиси анча кенг. Бу ерда одамлар ҳаммаша гавжум, улар ҳар хил савдо битими туза-

дилар, мол оладилар, заказ қиладилар, баъзилари ўз молларини тавсия қиладилар. 1957 йил, июнь ойининг 29 куні бу базага кўким-тир рангли «Москвич» машинада икки киши кириб келди. Машинани шундай чанг босган эдики, қалинлигидан номерини фарқлаб бўлмасди. Машинадан икки киши тушди. Уларнинг бири узун бўйли, мўйловли, қийиқ кўзли, қоши чимирилган, кўп юрганидан юзлари тандирдан чиққан нондай қизариб кетган, шимининг почасини этиги қўнжига тиқиб олган, оқ жужундан китель кийган қирқ ёшлар чамасидаги киши. Иккинчиси ҳам диққат билан қаралмаса, бир-бирига жуда ўхшаш киши эди. Бироқ иккинчиси қора шим, украинча қўйлак кийган, ёши ҳам биринчиси билан барабар эди. Икковининг ҳам бошида мавсумига ярашмаган кўк мовутдан қалпоқ. Улар тўғри базанинг складлари томон қараб бирин-кетин боришди. Биринчи складга кириб тахлаб қўйилган газламаларни кўздан кечириб, склад ходимларидан бирига қараб:

— Сизларда гилам бўлмайдами?— деб сўрашди.

— Йўқ, аҳён-аҳёнда келиб қолмаса, бу йил бирорта ҳам олмадик,— деди ёшгина склад ходими.

— Ёйим рўмоллар-чи?

— Ундан сероб, ҳу анави складга боринг!— деб склад ходими уларга ёйим рўмоллар склади кўрсатиб қўйди.

Улар тўғри иккинчи складга кириб бордилар. У ерда склад мудир, ишчилар ва бир неча савдо ходимлари ўзаро нималарнидир баҳслашиб ўтирар эдилар. Ҳеч ким склад ичига кириб келган бу икки зотдан, чимсан, нима қи-

либ юрибсан, деб суриштирмади. Улар бема-  
лол прилавка устида турган трикотаж кийим-  
ларни, ранг-баранг шойи кўйлак ва рўмоллар-  
ни чинакам харидорлардек титкилаб, бўйини,  
эини ўлчаб, чўзиб ҳам кўрдилар. Ниҳоят, ск-  
ладдан чиқиб тўғри база директори кабинети-  
га кирдилар. База директори Аъламовага пас-  
портларини кўрсатиб, бири ўзини Абдураи-  
мов, иккинчиси Қосимбетов деб таништирди.  
Сўнг Қосимбетов портфелидан Жанубий Қозо-  
ғистон областининг Мақтали совхози рабкоми  
номидан берилган 165 рақамли ишонч қоғози-  
ни Абрамовага топширар экан:

— Бизга 200 минг сўмликкина ҳар хил  
мол керак,— деди.

— Нималар?— деди Аъламова ишонч қо-  
ғозининг у ёқ-бу ёғини диққат билан кўздан  
кечириб.

— Ғижим рўмоллар, шойи кўйлақлар ва  
трикотаж моллар...— деди Қосимбетов.

— Складга бориб молларни ажрата бе-  
ринг,— деди узун папиросидан тутунни бурқи-  
ратиб Аъламова ва шу топда кабинетга кириб  
келган муовини Левинга:— Буларни складга  
олиб боринг, молларни ажратсинлар, деб бу-  
юрди.

Қосимбетов ва Абдураимов Левин билан  
бирин-кетин чиқдилар ва тўғри складга бориб  
120 минг сўмлик ғижим рўмол, шойи кўйлак-  
лар ва трикотаж молларни ажратдилар. Рас-  
мийлаштириш учун бухгалтерияга қайтиб кир-  
дилар. Аммо бухгалтер Яшников Қосимбетов  
топширган ишонч қоғозларини қўлига қайта-  
риб берди:

— Биз бу қоғозга биноан мол бера олмай-  
миз,— деди.

— Нега?

— Мақтали совхоз рабкопи бошлиқларининг имзо намуналари бизда йўқ,— деди кўз-ойнагини кўзидан олиб артар экан бош бухгалтер Яшников. — Сизлар бориб ишонч қоғозига қўл қўйган Мақтали совхоз рабкопининг раиси билан бухгалтерининг имзоларини тасдиқлатиб келинглар.

Аммо Яшников ким тасдиқлаши лозимлигини айтмади.

— Ёшқа иложи йўқми? — бўшашинқираб сўради Абдураимов.

— Йўқ. Имзони тасдиқлатиб келсангиз, бизда мол сероб,— деди Яшников.

— Хўп, бўлмаса биз эртагаёқ тасдиқлатиб келамиз,— деди Қосимбетов. Сўнг базанинг ёнида турган директор муовини Левинга мурожаат қилди:— Биз ажратган молларни бировларга бериб юбормасликни илтимос қиламиз!

Абдураимов билан Қосимбетов базадан хайрлашиб чиқиб, ўзлари келган машинада жунаб кетдилар.

## БИР ЯРИМ ОЙ ЎТГАЧ...

Орадан уч кун ўтгач, яна Қосимбетов билан Абдураимовлар тўппа-тўғри база директорининг муовини ўртоқ Левиннинг кабинети-га кириб келдилар. Левинга Мақтали совхоз рабкопи бошлиқларининг имзоси тасдиқланган ишонч қоғозини кўрсатдилар. Левин бўлса бош бухгалтер Яшниковга учрашишларини айтди. Бош бухгалтер Яшников ишонч қоғозини синчиклаб қарагандай бўлди-да,

устига: «Танланган моллар берилсин», деб ёзиб берди. Ишонч қоғози база дирекциясида кўп ходимлар қўлидан ўтди. Ҳеч ким унинг сохталигидан гумон қилмади ва ҳатто совхоз рабкопининг бошлиғи ва бош бухгалтернинг имзоларини Мақтали қишлоқ советининг секретари тасдиқлаганлиги гайри қонуний экани очиқдан-очиқ ҳаммага равшан бўлишига қарамай, ҳеч ким бунга эътибор қилмади. Танланган моллар осойишталик билан тахланиб, чиройли қилиб ўраб берилаверди.

Қосимбетов ва Абдураимовлар ўзларининг маккорона ҳаракатлари силлиқ ва бегумон амалга ошганлигидан мамнун бўлдилар, молларни шошмасдан машинага ортиб, қалпоқларини бошидан олиб, база ходимларига қуллук қилдилар-да, машинани аста-секин юргизиб чиқиб кетдилар.

Эски тартиб бўйича посилторг базаси, Тошкент давлат банкasi орқали Жанубий Қозғистон область Киров район банкasiдаги Мақтали совхоз рабкопининг счётидан олинган моллар эвазига 120 минг сўмни талаб қилиб олди.

Гўё ҳисоб-китоб тўғрилангандай ҳам бўлди. Демак, ҳамма нарса жойида.

Посилторг базasiдагилар совхоз рабкопиндан ўз счётларига пул тушганлигидан тинчиб кетавердилар. Афсуски, кутилмаганда посилторг ходимлари қулоғига ваҳимали, совуқ гаплар чалина бошлади.

— Пуллар совхоз счётидан олинганидан совхоз рабкопидагиларнинг хабарлари йўқ экан.

— Бизни «чув» тушириб кетибдилар-да!

— Оббо!..

Бу дув-дув гапларга база раҳбарлари эътибор қилмадилар. Улар мавжуд ҳужжатларга ишондилар, ҳужжатлар эса қалбаки эди. Орадан бир-бир ярим ой чамаси вақт ўтгандан кейин Мақтали совхоз рабкопининг бошлиқлари тўланган 120 минг сўмга олинган моллар совхоз рабкопи складига олиб келинмаганлиги аниқланиб, посилторгга берилган пулни банк орқали қайтариб олиш масаласи кўтарилди. База бошлиқлари эса қўлларидаги мавжуд ҳужжатларни рўкач қилдилар. Лекин совхоз рабкопи бошлиқлари уни тан олмадилар. Чунки, биринчидан — уларнинг бу база билан илгари ҳеч қандай олиш-беришлари йўқ эди. Иккинчидан — мол олиш учун улар ҳеч кимга ишонч қоғози бермаганлар. Имзолар ҳам сохта. Шундан кейин ўзларини посилторгдан мол олиб кетган Қосимбетов билан Абдураимов деб таништирган кимсаларнинг Мақтали совхоз рабкопида ишламасликлари, улар қандайдир товламачилар эканликлари аниқ бўлиб қолди. Посилторг базасининг директори Аъламова ва базанинг бош бухгалтери Яшников ҳаяжонга тушиб, бор гапни шаҳар милицияси бошқармасига келиб айтиб бердилар...

## ЎЛГАН ҚИШИНИНГ ПАСПОРТИ

Шаҳар милиция бошқармаси бу жиноят натижасида давлатга катта зарар етганлиги ва жиноят содир бўлганига бир ярим ойдан ортиқ вақт ўтганлиги, жиноятнинг изи аллақачонлар босилиб кетганлиги ҳамда жиноят ўта айёрлик билан қилинганлигини эътиборга олиб, бу жиноятни очишни

шаҳар милициясининг юқори малакали, тажрибали ходимларига топширди.

— Паспорт билан автомашинанинг номерларини қўриб ёзилгапми?— деб сўради бош терговчи Григорьев.

— Бўлмасам-чи?— деди Аъламова ва «сўзимни тасдиқлагин», дегандай бош бухгалтерга қараб қўйди.

— Биз паспортнинг номерини ёзганимизда, паспорт эгасининг башарасига қараб сурати билан ҳам солиштирамиз, иннайкейин ҳужжатга ёзамиз,— деди бош бухгалтер.— Машинанинг номерини ҳам ўз кўзимиз билан кўрмасдан ёзмаймиз.

120 минг сўмлик мол фарибгарлар томонидан қалбаки ҳужжатлар билан олиб кетилганлиги воқеасини текшириш учун Григорьев тергов иши қўзғатиб қарор чиқарди, ёзиб олинган «ХІХ—ЛХ серияли 645118 номерли» паспортни суриштириб, унинг Жанубий Қозоғистон области Ильичев райони милициясининг паспорт столи томонидан берилганлиги аниқланди. Сўнг паспорт эгасининг қаерда прописка қилинганлигини билиш учун Ильичев районуна бориш зарурати туғилди. Жиноятчиларнинг мол олган ҳужжатларидан бирда ёзиб қолдирган «ЕК—56—71» номери Тошкент область Оржоникидзе районидаги сельпога қарашли машинага берилганлиги ҳақида Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг давлат автомобиль инспекцияси учётлар бўлимидан справка олинди. Қидирув бўлим ходими Оржоникидзе районида борди. У ерда юқорида кўрсатилган сельпонинг бундан уч йил илгари тугатилганлиги аниқланди. Шу билан бирга «ЕК—56

71» номерли машина ўша сельпо тугатилмасидан илгарироқ ишдан чиқиб, ҳаракатдаги машиналар учётидан ўчирилиб, утилга берилиб юборилган экан, аммо машина номери кимга берилгани ёки қаерга қўйилганлигини аниқлаб бўлмади. Ҳар ҳолда посилторг базасининг ходимлари: «Машинанинг номерини ўз кўзимиз билан кўриб ёзган эдик», деб тасдиқлаб турганликлари учун, ўша утилга топширилган машинанинг номери ким томонидан олиб қолинган ё ташлаб юборилган, ёки жиноятчилар қўлига тушиб қолган. Буни билиш лозим бўлиб қолди. Шу сабабдан ўша утилга топширилган машинанинг номерини қидириш ёки ўша «ЕҚ — 56-71» номерни тақиб юрган машинани қидириш масаласи муҳим вазифа бўлиб қолди. Милиция лейтенанти Валагин шаҳар автоинспекциясининг бир неча ходими билан «ЕҚ — 56-71» номери билан ишлатилиб турилган машинани кўрган билганлардан суриштириш пайига тушди.

\* \* \*

Милициянинг старший лейтенанти — бош терговчи Григорьев 7-бўлим милициясининг участка вакили Шорустамов билан Жанубий Қозоғистон области, Ильичев район ижроия комитетининг милиция бўлими паспорт столига етиб келганларида қоронғи тушиб, паспорт столининг эшигида қулф печатланиб, ходимлар уй-уйларига кетган эдилар. Бош терговчи топширилган иш давлат аҳамиятига эга бўлган оператив иш эканлигини равшан билар эди. Шунинг учун бу ишни сал бўлса ҳам



қўзишга йўл қўймаслик керак, деб тушунардди.

Район милициясининг навбатчиси паспорт столининг бошлиғини чақириб келди, у мулойимгина йигит экан. Сўнг бош терговчи XIX—PX серияли, 645118 номерли паспорт кимга берилганини, паспортни олган одам қайси адресга прописка қилинганини аниқлишга киришди. Орадан бир неча соат ўтгач, бу номерли паспортни 1953 йил 23 август кунини, шу Ильичев районида турувчи Исмоил Қосимбетовга берилгани ва у шу районнинг бир қишлоғида прописка қилинганлиги аниқланди. Энди адресини топиш керак эди. Бу масала ҳам тезда ҳал бўлди. Район марказидаги кўп ўртоқлар Исмоил Қосимбетовни жуда яхши билар эканлар. У ҳеч қандай хилоф иш қилмайдиган, бировга озор бермайдиган оддий бир меҳнаткаш бўлиб, 1954 йил, июль ойида ўз ажали билан вафот этганини сўзлаб бердилар. Ўлганлиги ЗАГСда регистрация қилинганда паспорт олиб қолиниб, сўнг паспорт столига юборилиши керак эди, лекин ЗАГСда паспорт олингани ҳақида биронта ҳам белги йўқ, демак, паспортни қариндошлари топширмаганлар. ЗАГС ходимлари ҳам қисталанг талаб қилмаганлар, чунки у турадиган қишлоқ паспортлаштирилмаган, шунинг учун унда паспорт бўлган-бўлмаганига унча эътибор ҳам берилмаган. Исмоил Қосимбетов ўлгандан кейин, унинг оиласи — Қосимбетова Ильичев районида бошқа жойга кўчиб кетган ва бу жойларда унинг биронта қариндоши ҳам қолмаган экан. Унинг қаерда туришини билиб бўлмади.

Энди нима қилмоқ керак?

Терговчи боши берк кўчага кириб қолган-дек бўлди.

Ўша кеча бу муаммони аниқлагунча бир неча соат ўтди. Кўпгина кишилар уйқусидан безовта қилиниб, милиция идорасига чақирилиб, сўроқ қилинди.

Тонг пайти, соат бешлардан ошган. Учаскавой курсига ёнбошлаганича ухлаб қолди. Бош терговчининг чарчаганлигини, ранг-рўйининг ўзгарганини узлуксиз чекилган папирос тутуни ичида сезиб бўлмас эди. У энди боши қотиб ўйланиб қолди. Уйқу элтиб, кабинетдаги диванга чўзилиб, плашини устига тортар-тортмас уйқуга кетди.

## СОХТА СУРАТ

Ҳали қуёш чиққанича йўқ. Бош терговчи алоқ-чалоқ туш кўриб чўчиб уйғониб кетди-ю, қайта ухлай олмади. Эрталабки соат еттиларда ўрнидан туриб Исмоил Қосимбетов ўлгандан кейин паспорти қаерда қолган экан, деган ўйга тушди. Лекин у посилторг базаси ходимларининг базадан мол олган кимсанинг паспорти номерини мол берган ҳужжатларга ёзаётганларида унинг башарасини паспортдаги сурат билан солиштириб кўриб, паспортдаги сурат ўша паспорт кўрсатган Исмоил Қосимбетов деб аталган кимсанинг сурати эканлигини аниқ-таниқ сўзлаганликларини эсласа-да, ҳозир аниқланган ҳодисага қараганда, база ходимлари ёлғон сўзлаганга ўхшаб кўриндилар. Наҳотки ўлган кишининг сурати билан фирибгарнинг юз кўринишларида тафовут бўлмаса? У яна район милицияси паспорт столининг ходимларини чақириб,

- Исмоил Қосимбетовга паспорт берганда шу паспортга ёпиштирилган Исмоил Қосимбетов суратининг иккинчи нусхаси қаерда эканлигини топишни талаб қилди. Паспорт столи ходимлари Исмоил Қосимбетовнинг иккинчи суратини архивдан қидиришга киришди. Қосимбетовнинг бланкага ёпиштирилган сурати ҳам тезда топилди. Бош терговчи у суратни Ильичев райониغا етиб келган ва мол олган кимсаларни аниқ-таниқ кўрган посилторг базасининг склад мудири Шариповга кўрсатди.

— Бу суратдаги киши сизга таниш эмасми?— деб сўради.

— Йўқ, мен бу суратдаги кишини кўрган эмасман,— деди Шарипов,— биздан мол олган ўғрилар бу суратдаги кишига ҳеч ўхшамайди.

— Яхшилаб қаранг?

— Ўхшамайди!..

Демак, Исмоил Қосимбетовнинг پاسпорти жиноятчининг қўлига тушган. Жиноятчилардан бири Қосимбетовнинг суратини кўчириб олиб, ўрнига ўз суратини ёпиштириб, қалбаки паспорт билан — Исмоил Қосимбетов номидан ҳаракат қилган. Исмоил Қосимбетов ўлгач, унинг паспорти милиция идораларига топширилмаганлиги ҳам равшан. Энди унинг оиласини топиш жуда ҳам зарур бўлиб қолди. Қосимбетовнинг савдо системасида ишлаётганлигини аниқлашга муваффақ бўлинди. Суриштирилиб, Ойша Қосимбетова Жанубий Қозоғистон областининг Киров районидаги Райпотребсоюзининг магазинларидан бирида ишлаб турганлиги аниқланганидан кейин бош терговчи, участкавой Шораҳмедов, посилторг базасининг склад мудири Шарипов билан Киров ра-

йонига боришди. Ойша Қосимбетова магазинга олиб келинди. Бош терговчи Қосимбетова ишлаб турган магазинга яқинлашганда магазин ичидан ёпиқ эди. Терговчи ижозат сўраб магазинга кириш зарурлигини изҳор қилди. Тўсатдан келган бу одамдан Қосимбетова ҳадиксиради. Григорьев: «Мен Тошкент шаҳар милициясининг терговчиси бўламан», деб ўз шаҳодатномасини кўрсатгач, анча бесаранжом бўлиб қолди. Лекин ўз аҳволини билдирмаслик учун ўзини нақадар огирликка солса ҳам унинг рангидан қон қочди.

— Сиз Исмоил Қосимбетовнинг аёли бўласизми?

— Ҳа... У киши бундан уч йил илгари ўлган.

— Эрингизнинг паспорти қаерда? Билмайсизми?

Ойша Қосимбетованинг ранги жуда ҳам бир хил бўлиб кетди, лекин у эрининг паспортини топширмаганлик жиноят эмаслигини билар, шунинг учун бемалол:

— Ўлгандан кейин топшириб улгурмовдик,— деди,—кейин бу ёқларга кўчиб келишга тўғри келди. Шундан кейин паспорт уйда эсдалик бўлиб қолаверди,— деди.

— Бизга кўрсатмайсизми?

— Жоним билан, ҳозир олиб чиқаман,— деб у дўконни ёпа бошлади. Тез-тез юриб дўкон ёнидаги ҳовлилардан бирига кириб кетди.

Орадан бирор соат ўтгач, Қосимбетова уйидан бошни қуйи эгиб чиқди. Григорьевга қараб:

— Топа олмадим,— деди.

— Охирги марта қачон кўрган эдингиз?

— Яқиндагина. Қутнмда турар эди.

— Ким олиши мумкин?  
— Билмасам,— деди Қосимбетова, — ўзи нима гап?

— Биз шу паспортни кўришимиз керак эди,— деди бош терговчи ва паспорт столидан олинган Исмоил Қосимбетовнинг суратини Ойшахонимга кўрсатди:— Бу суратдаги кишини танийсизми?

— Менинг эрим... бечора ёш ўлиб кетди,— деб кўзига ёш ола бошлади аёл.

— Эрингизнинг паспортини кўришимиз керак.

— Билмасам, ким олган экан,— деди йиғламсираб Ойша Қосимбетова.— Эрта-индин иккинчи эрим келади, сўраб кўраман. Балки у олгандир.

— Иккинчи эрингиз ким?

— Сайдулла Бердибеков деган киши.

— У киши қаерда?

— Ким биландир саҳрога кетди.

— Аниқроғи...

— Бошқасини билмайман.

— Эрингизнинг паспортини у киши олмаганмикан?

— Йўқ! — деди Ойша узил-кесил. — Негаки, у яқинда қамоқхонадан келиб, янги паспорт олди. Сўнг бир оз ўйланиб тургач, қўшиб қўйди: — Балки рашк қилиб йиртиб ташлагандир...

— Иккинчи эрингиз нимага қамалувди?

— Тухмат билан.

— Қанақа тухмат?

— Ўғри деб тухмат билан қаматдилар.

— Қамоқдан қачон қайтиб келди?

— Икки йилга кесилган эди, уч ой деган-да оқланиб келди.

— Оқландими?

— Оқланди.

— Қаерга ишга кирди?

— Ҳозирча дам олиб юрибди. Сихатини тузатиб олмақчи. Менинг топганим иккимизга етиб туради.

— Ҳозирги эрингизнинг паспорти уйда эмасми?

— Уйда экан. Мана, эҳтиётдан олиб чиққан эдим,— деди Қосимбетова чўнтагидан Сайдулла Бердибековнинг паспортини чиқариб, Григорьевга узатиб.

Паспортни Григорьев қўлига олар экан, бирдан паспорт эгасининг сурати йўқлиги ва сурат ўрни бўшгина турганлигини кўриб қолди. Терговчи паспортни варақлаб, бошқа бетларини кўриб чиққач, сўради:

— Паспортнинг сурати қани?

— Билмасам, йўқ эканми, мен эътибор ҳам қилмабман,— деди Қосимбетова.

— Уйда биронта бошқа сурати йўқми?

— Йўқ.

— Қачон қайтиб келади уйга?

— Билмасам.

— Ҳмм... бўлмаса у киши келганда учрашамиз,— деди терговчи ва Қосимбетова билан хайрлашиб магазин рўпарасидаги чойхона олдида ўтирган участкавой Шораҳимов, склад мудир Шариповларнинг олдига келди. Улар Григорьевга ачиқ қилиб дамлланган бир пиёла фамил чой тутдилар.

#### САҲРОДА ТУҚНАШ

Исмон Қосимбетов вафот этгач, унинг паспорти ўз вақтида милиция идораларига топширилмай Қосимбетованинг уйида қолиб

кетган. Буни Қосимбетованинг кейинги эри — Сайдулла Бердибеков олиб, ундаги суратни кўчириб ташлаб, ўрнига ўзининг суратини ёпиштириб, Қосимбетов номидан ҳар хил жиноятлар қилган бўлиши керак. Бердибеков бундан фойдаланиб, Қосимбетовнинг паспортидаги сурат ўрнига ўзининг суратини ёпиштириб, қалбаки ҳужжат ясаб олган. Албатта, оддий кўз билан қараганда паспортга бегона сурат ёпиштирилганлигини билиб олиш қийин. Шунинг учун фирибгарлар бундай қалбаки ҳужжат билан бемалол жиноий иш қилаверганлар.

Ойша Қосимбетова билан бўлган суҳбатга асосланиб, унинг эри — Бердибеков ярим яширин ҳолда фирибгарлик билан шугулланиб юрганидан шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бердибековнинг учига чиққан фирибгарлиги — муттаҳамлиги ҳақида Киров райони милиция ходимларида ҳам бир қанча маълумотлар бор экан. У топилса, жиноятнинг учини топиш бўлар эди. Терговчи ва участкавой Киров район милиция бўлимидаги ходимлар билан Бердибековни қидириб топиш устида маслаҳатлашиб олгандан кейин, баъзи олинган маълумотларга асосан, Киров районининг қумлик саҳросига йўлга чиқдилар. Посилторг базасининг склад мудирин Шарипов ҳам булар билан бирга жўнади. Киров районининг марказидан қумлик саҳрога чиқиш учун йигирма километрча йўл босилар эди. Кун ботиб кетганлиги учун қумлик саҳро ўртасида бир неча машина йўллари ғира-шира кўзга ташланарди. Григорьев ГАЗ — 51 машинанинг кабинасида шофёр билан ўтириб, тахминан қайси йўлдан юришини айтиб, шофёрдан

тезроқ юришни илтимос қилар эди. Киров милиция ходимлари йўл-йўлакай дуч келган кишилардан нималарнидир суриштирар эди. Саҳронинг 100 километрига етар жойда йўловчилар бир енгил машина кўришибди, айтишларига қараганда, улар ё дам олмоқдалар, ё машиналари бузилган. Саҳро бўйлаб қарийб 70 километр чамаси юрилгандан кейин, тўғри йўлдан анча четда, узоқда бир «Москвич» қумга ботиб қолгани, унинг ёнида икки киши тимирскиланиб юргани ғира-шира кўзга ташлана бошлади. Григорьев шофёрга «Москвич»ни қумдан чиқаришга ёрдамлашиш кераклигини айтди. «Москвич» машинаси чангга ботиб кетганидан рангини билиб бўлмас, машина ёнидаги икки кимса тинкаси қуриб, энди дам олмоқчи бўлиб туришган экан. Григорьев, Шораҳимов ва Шариповлар яқин келиб уларга ёрдам беражакларини айтдилар. Аммо бу таклиф уларга унча ёқмади. Ҳар ҳолда ярим кечада уларни саҳрода қолдириб кетиш инсофдан эмас эди ахир. «Газ—51» машина шофёри ўзининг тиркагич симини «Москвич» ўқиға боғлаб, машинани қумдан чиқарди.

— Раҳмат, катта раҳмат!— деди «Москвич» машинасининг шофёри Григорьевга қараб.

— Арзимаиди. Энди сизлар олдинда юринглар, йўл билсанглар керак.

— Биз секин кетаверамиз. Бизга қарасанглар кеч қоласизлар,— деди «Москвич» машинасининг эшигини очиб иккинчиси.

«Москвич» машинасининг эшиги очилиб, бирдан машина чироғи ёнди. Шораҳимовнинг кўзи машина ичида қотиб ухлаб ётган кимса-



га тушди ва Григорьевга яқин келиб, қулоғига шивирлади. Терговчи Шариповнинг қўлидан ушлаб «Москвич» машинасининг ёнига яқинлашган эдиларки, бирдан мотори ёндирилиб, физиллаганча юриб кетди. Григорьев, Шораҳимовлар «ҳой-ҳой»лаганича қола беришди. Улар тезда ўз машиналарига ўтириб «Москвич» орқасидан қува бошладилар.

Гумонсираган одам қочса, гумон чинга айлангандай туюлади. Рост-да, чўпдан ҳадиги бўлмаган одам нега қочади? Шунинг учун бундайларни албатта тутиб, текшириб кўрмоқ зарур. Бу милициянинг одати бўлиб қолган. Юк машинасида «Москвич» орқасидан қувилди. Узоқ бормай унинг олдидан кесиб чиқиб тўсилди.

«Москвич» тўхтади. Терговчи билан участкавой тўппончани қинидан чиқариб «Москвич» ёнига келдилар. Машинадан шофёр билан бояги машина ёнида турган одам чиқди. Терговчи чироғини ёқиб ичига қаради. Унда учинчи бир одамнинг итдек маст ётганини кўрди. Григорьев боя шуни кўришга муштоқ эди. Уни тортқилаб машинадан чиқардилар. Маст ётган одам оёғида туролмас, нималар бўлаётганини билмас, алжирар эди. Шарипов унга яқинлашиб, бу маст ўша биздан мол олган муттаҳамларнинг бири, деди. «Москвич» машинасининг шофёри ва пассажирлари тинтув қилинди. Уларнинг ҳар қайсисидан икки-уч минг сўм пулдан бошқа ҳеч нарса топилмади. Аммо Бердибековнинг шимининг соат чўнтагидан паспортдан кўчириб олинган сурат чиқди.

— Бу қандай сурат?

— Мешики,— деб довдиради Бердибеков.

Бу орада участкавой машина багажидан бир қанча мол туширди. Шарипов моллар олдига келди, улар ичида базадан олинган моллардан ҳам бор экан.

Бердибеков билан бу жойда сўзлашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Чунки у ўзини билмайдиган даражада маст, оғзидан сўлаклар иқиб турарди. Энди ҳаммалари орқага, Киров милицияси бўлимига қараб жўнадилар.

## ЖИНОЯТ УСТИГА ЖИНОЯТ

Милиция бўлимига қуёш энди нурини соча бошлаган пайтда етиб келинди. Бердибеков йўл-йўлакай машинада ухлаб келди. Етиб келгач, уни машинадан тушириб, қамоқхонага киритиб қўйишди-да, Григорьев билан Шорустамов ҳамда Киров район милициясида қидирув бўлим ходими Олчинбоевлар Бердибеков уйида тинтув қилишга бордилар. Тинтув натижасида Тошкент посилторг базасидан олинган моллардан олтмиш минг сўмлиги топилди. Бердибеков уйдан эса яна бир неча ҳар хил сатин, читлар, крепдешин, трикотааж буюмлардан неча юз минг сўмликча моллар чиқди. Шарипов, бу молларни: «Бизнинг посилторг базасидан олинган молларга алоқаси йўқ», деди. Бердибековнинг хотини безраийиб, нима қилишини билмай турар эди.

— Бу моллар қаёқдан келган?— деб сўради терговчи Ойшадан.

— Билмадим.

— Уйингизга келтирилган молларни билмайсизми?

— Эримнинг ўртоғиники.

— Фамилияси нима, қаерда ишлайди?

— Илгари Мақтали совхоз районида ишлар эди. Бундан уч-тўрт ой илгари у ердан бўшатишган, фамилиясини билмайман. Исми Тоғман.

— Абдураимов денг,— деди участкавой Шораҳмедов.

— Шундай бўлса керак.

— Қаерда туради?

— Билмайман. У маълум одам. Анавилар билади,— деб Қосимбетова Киров район милиция бўлимининг қидирув бўлими ходимига имо қилди.

Григорьев Олчинбоевга қаради. У бўлса, билмайман, деб бош ирғади. Шу пайт Бердибековнинг ҳовлисига отига бир қоп нарса ўнгарган кимса кириб келди. У отдан тушар экан, посилторг базасининг склад мудири Шарипов ялт этиб унга қаради:

— Ана, ўзи ҳам келди,— деди суюнганидан.

Григорьев таниш кишидай фамилиясини атаб чақирган эди, сезиб қолди шекилли, у сакраб отга миниб қочмоқчи бўлди, аммо ҳовли бурчида турган Шораҳмедов тўппончасини яланғочлаб отнинг жиловидан ушлади ва тўппончани ўқталиб:

— Туш отдан,— деди.

— Нима қилдим мен? Мен ўғри эмасман,— деб вайсай бошлади у.

Тергов қондаси бўйича тинтув қилинаётган жойга ким келса киритилиши мумкину, лекин тинтув тамом бўлмагунча сўроқсиз чиқиб кетиши мумкин эмас. Участкавой Абдураимовни ҳовлисига киритиб, унинг ҳаракатларини кузатиб турди. Тинтув қилиниб, ёнидан паспорт олинди. Бу паспорт Қосимбетовнинг

паспорти бўлиб, унинг сурати ўрнига Абдураимовнинг сурати ёпиштирилганлиги бу сафар равшан бўлди. Абдураимов келтирган бир қоп мол ичида Тошкент посилторг базасидан олинган моллардан йўқ эди. Аммо бу молларнинг қаердан олинганлигини аниқлаш учун Григорьев шошилди. Тезда тинтув ҳужжатларини расмийлаштиргандан кейин, Абдураимов Киров район милиция бўлимига олиб келинди.

Бошланғич сўроқдаёқ Абдураимов ҳамма гапни айтиб берди.

— Мени ишдан бўшатганларидан кейин, беиш юрар эдим. Шу кунларда Сайдулла қамоқдан бўшаб қолди. Сайдулла билан Қосимбетовнинг паспортини яшириб олдиғу, ундан суратини олиб ташлаб, ўрнига Сайдулланинг суратини ёпиштириб, Тошкентга бориб посилторгдан моллар олдик.

— Иннайкейин-чи...

— Орадан бир ой ўтди. Ҳеч ким бу воқеани суриштирмади. Иш ўнгидан келиб, жимжит бўлиб кетди. Сўнг биз энди ўша паспортдан Сайдулланинг суратини олиб ташлаб, ўрнига менинг суратимни ёпиштириб, Чимкентга бориб Облпотребсоюз базасидан яна икки юз минг сўмликдан ортиқроқ мол олиб келдик.

— Қани ўша моллар?

— Сотдик. Баъзиларини сотиб бериш учун магазинларга арзонроқ нарх билан топширдик.

— Жиноят устига жиноят қилибсиз-да?

— Биринчи ишимиз ўнгидан келгани учун кейингисида ҳам қўлга тушмаслигимизга ишондик,— деди бақрайиб туриб у.

Жанубий Қозоғистон областининг облпот-

ребсоюзи базасидан қалбаки ҳужжатлар билан икки юз минг сўмлик мол олинганлиги ва бу жиноятни очишда Чимкентдаги милиция ходимлари ва Қозоғистон республика милициясининг қидирув бўлими ходимлари бирмунча ишлар қилаётганлари, аммо шу вақтгача бу жиноятнинг изи топилмай келаётганини эшитган терговчи Григорьев ўз ишининг оқибатидан хурсанд бўлди.

У тергов планини тузди. Унда ишонч қоғози бланкалари қандай ясалганини ва уни қай йўсин расмийлаштирилганини, молларни олаётганда кимлар ёрдам бериб, сотаётганда кимлар ҳамкорлик қилганини аниқлашни кўзда тутди. Ҳар ҳолда содир бўлганига анча вақт ўтиб кетган жиноят унча узоққа чўзилмай очилди. Бунинг оқибатида шу товламачилар содир қилган яна бир қанча жиноятлар: шу жиноятлар содир бўлишига ёрдам қилганлар, ўғирлик молларни сотиб олган бир қанча кишиларнинг кирдикорлари фош бўлди. Айбдорларнинг жиноятларини бўйинларига олиб, айбларига иқрор бўлишдан бошқа чоралари қолмади, шунинг учун улар сўроқ берганларида жиноят тафсилотини шошилмай бемалол ҳикоя қилар экан, ўз қўлларига тушган хафтафаҳм анқовлардан кулишар эди.

ФИРИБГАРЛАР . . . . .	7
ИЗМА-ИЗ . . . . .	55

*На ўзбекском языке*

Искандар Қаландаров

## ПО СЛЕДАМ

### Р а с с к а з ы

Редактор *Н. Фозилов*  
Рассом *Э. Кигай*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *У. Ким*  
Корректор *Р. Содиқбекова*  
ИБ № 574

Босмахонага берилди 29.11.79. Босишга рухсат этилди 20.02.80.  
Р—12306. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босмахона қорғози № 1. Адабий гарнитур.  
Юқори босма. Шартли босма л. 2,92. Нашр л. 2,75. Тиражи 15000. Заказ № 1287. Баҳоси 20 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129.  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бirlашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Қаландаров Искандар.**

Изма-из: (Кекса милиция ходимининг ҳикоялари).—  
Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.—160 б.

Искандар Қаландаровнинг биринчи китоби «Шоҳида эмас, барғида» қиссасидир. У мазкур қиссада тиним билмас милиция ходимларининг фаолиятларини акс эттирган эди.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу «Изма-из» ҳикоялар тўпламида ҳам автор ўз танлаган мавзусига содиқ қолган: у ўз постида мустақкам турган, ҳаёти ҳамиша саргузаштларга тўла милиция ходимларининг ишларини қизиқарли воқеалар орқали тасвирлайди.

**Қаландаров И. По следам. Рассказы.**

ББК 84Ўз  
Ўз